

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭСОНОВА ХУРШИДА

Илмий раҳбар: т.ф.д., Юнусова Х.Э.

ТОШКЕНТ - 2014

МУНДАРИЖА

I БОБ. Ўзбекистонда маънавий жараёнлар ва уларнинг жамият янгиланишидаги ўрни.

I.1. Ўзбекистонда маънавий жараёнларнинг янгиланиши ва унинг истиқболлари.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг аҳамияти.

II БОБ. Маънавий мезонларнинг жамиятни янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти.

II.1. “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида маънавий мезонларнинг ёритилиши.

II.2. Тарихий хотира, тарихий обидаларга муносабат.

II.3. Маҳалла фаолияти, оиланинг маънавий мезонлардаги ўрни.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Илова

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик Ватанимиз тарихида буюк тарихий воқеа ҳисобланиб, ушбу тарихий жараён халқимизнинг узок давом этган қарамлик ва мустамлакачиликдан халос этди. Мустақилликка эришиш халқимизнинг азалий орзуларидан бири бўлиб, бугунги кунда уни авайлаш ва абадий бўлишини таъминлаб бериш барча фуқароларнинг бурчи ва вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши Республиканинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишига, ўзининг қаътий йўлига эга бўлиши учун катта имкон ва шароитларни яратиб берди. Инсонпарварлик ғояларига содиқлик, хурфикрлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш ва ижтимоий адолат, тамойилларини рўёбга чиқариш Ўзбекистон танлаган йўлининг асосий негизини ташкил этади. “Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамияттафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”¹.

Бугунги кунда миллий-маънавий миллатлараро муносабатларни ташкил этиш жараёнидаги аҳиллик, зийраклик, ўзаро ёрдам, хўжаликни бозор иқтисодига мослаш Ватан тақдирини ҳал этишдаги ҳамкорликлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигини исботлаб берди. Ҳар миллат ва халқнинг миллат бўлиб шаклланиши тарихий жараёнлар маҳсулидир. Бу жараён муайян ҳудудда ва минтақада ўзига хос равишда ҳамда бетакрор ходиса сифатида намоён бўлади.

¹Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч.- Тошкент. Маънавият, 2008. 77-б

Мустақиллик Ватанимиз тарихида буюк тарихий воқеа ҳисобланиб, ушбу тарихий жараён халқимизнинг узоқ давом этган қарамлик ва мустамлакачиликдан халос этди. Мустақилликка эришиш халқимизнинг азалий орзуларидан бири бўлиб, бугунги кунда уни авайлаш ва абадий бўлишини таъминлаб бериш барча фуқароларнинг бурчи ва вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши Республиканинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишига, ўзининг қаятий йўлига эга бўлиши учун катта имкон ва шароитларни яратиб берди. Инсонпарварлик ғояларига содиқлик, ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш ва ижтимоий адолат, тамойилларини рўёбга чиқариш Ўзбекистон танлаган йўлининг асосий негизини ташкил этади. “Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамиятта фақурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимики, республикадаги маънавий тикланишда Ўзбекистон раҳбарининг белгилаб берган маънавиятнинг мезонлари муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг хронологик даври. Мавзунинг ўрганилиш даври мустақиллик йилларини ўз ичига олади. Бу давр республиканинг миллий-маънавий тикланиши жараёнида неча асрлар давомида ардоқлаб келинган миллий урф-одат, қадриятларнинг қайта тикланиши билан изоҳланади. Шунингдек, Истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихий адолатни қарор топтириш, халқимизни топталиб келган миллий ғурурини юксалтириш мақсадида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг нафақат муборак номи, бой

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008, 77-б

мероси ва хотирасини, айна пайтда тарихий сиймосини тиклашга ҳаракатлар қилинди ва бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилганлиги билан ажралиб туради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йиллари танланган мавзуга оид бир қатор илмий тадқиқот ишлари, монографиялар нашр этилганлигини таъкидлаган ҳолда шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, маънавий тикланиш, маданий тарақиёт масалалари оид бир қатор ишлари қилиниб келинмоқда. Маънавий-маданий ислоҳотлар ва миллий ғоя концепциясига оид бир қатор ишлар қилиб келинмоқда. Хусусан, миллий-маънавий тикланиш масаласи мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ файласуфлар томонидан кенг муҳокама қилишга ҳаракат қилинди. Бундай асарлар қаторига Қ.Назаров, А.Ўтамуродов, Ф.Мусаев, С.Мамашокиров, М.Абдурахмонов, Қ.Қуронбоев ва бошқаларнинг ишларини киритиш мумкин³. Уларда мавзуга доир қимматли фикрлар баён этилган. С.Отамуратов, А.Очилдиев⁴лар. Бугунги кунда ушбу мулоҳазалар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олимлар ва мутахассислар миллий-маънавий тикланиш тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этганлар. Ўзбекистоннинг миллий-маънавий тикланиши ва миллий муносабатлари жараёни узоқ тарихга эга, лекин мустақиллик даврида бу бутунлай мазмун жиҳатдан ўзгарди. Бу масалада турлича фикрлар, талқинлар мавжуд. Муаллифлар бу фикрларни фалсафий мушоҳада қилиб, Республикаимизнинг миллий-маънавий тикланиши ва миллий муносабатлар масаласида Президентимиз асарларига таянган ҳолда ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Айна пайтда танланган мавзуга оид О.Сафаров, М.Махмудовларнинг “Оила маънавияти” номли китобда маънавиятнинг меъзонларидан бўлмиш оила ва унга Ўзбекистонда яратилган шароитлар, оила, она болалик

³ Қаранг: Маънавият. Энциклопедик луғат. Қ.Назаров таҳрири остида. Т., 2009. Маънавиятнинг оидин йўли. – Т., 1997. Маънавият юлдузлари. – Т., 1999. Маънавият ва комиллик. – Т., 1997. Имомназаров М. Миллий Маънавиятимиз асослари. – Т., 2001. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т., 2007. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000. Маънавий салоҳият. – Т., Университет, 2009. Маънавий юксалиш йўлида. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент, «Маънавият» 2008.

⁴ С.Отамуратов. Миллий тикланиш. – Т., 2000. А.Очилдиев. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т., 2005.

муҳофазаси масаласи кенг ёритилган. Маҳалла бошқарувини такомиллаштиришга доир қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа директив хужжатлар асосида қайта назардан ўтказилиб, имкон қадар янги далиллар, янги мулоҳаза ва кузатишлар натижалари билан тўлдирилган. Айни пайтда китобда оилалар турмушига хос бўлган хусусиятлар ёритилган. Муаллифлар “Оила инсон учун муқаддас даргоҳ бўлиб, у инсонларнинг табиий, иқтисодий, Ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган”, деб алоҳида таъкидлаб ўтадилар⁵.

Асарда келтирилган гобаллашув жараёнида маънавий таҳдидлар бўлимига оид бўлган асарлар қаторига С.Отамуродовнинг илмий монографиясини киритиш мумкин⁶. Бу асарда миллатни глобаллашувнинг ўтказаётган салбий таъсиридан асраш, уни умуминсоний қадриятларнинг бири сифатида ривожлантириш умумбашарий вазифага кириш ёритилган бўлиб, муаллиф бир қатор фикрларни келтириб ўтади.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарининг ўрганилаётган асаридан келиб чиқиб, аёллар масаласига тааллуқли бир қатор мақолалар, хусусан тарихий хотирага бағишланган, моддий маданий меросга, оилага, маҳаллага бағишланган мақолалар ёзилди⁷. Хусусан, Х.Кенжаеванинг “Сиёсий

⁵Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. –Тошкент. Маънавият, 2009. -19 бет.

⁶Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2008. – 80 бет.;Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – гллобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: 2009.

⁷ Каримова О. Оилавий муносабатлар қонун ҳимоясида// Олима аёлларнинг фан – техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2008. – 243-244 бет.; Собиров Ш. Баркамол авлодни тарбиялаш келажак эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг пировард мақсадидир // “Халқ сўзи” 2010, 6 ноябр. № 215, 2-бет.; Очилова О. Соғлом оила – соғлом жамият асоси // Маърифат. 2012. 1-декабр.; Юсак маънавият – енгилмас куч” миллат маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи комусий асардир” // “Халқ сўзи” 2010, 14 октабр. №199, 1-бет.; Алимов Х. Бухоронинг қадимий ҳаммомлари // Мозийдан садо. – Тошкент, № 1-2, 2011, -72 бет.; Лукмон В. Оила - маънавият кўрғони // “Халқ сўзи” 2011, 24 ноябр. № 228, 1-бет.;Қодирова Т ва б. Улуғбек даври меъморчилиги // Мозийдан садо. – Тошкент, № 2-3, 2010, - 41 бет.; Ганиев Ж. Таълим тизимида диний бағрикенгликнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритилиши // “Ўзбекистонда олий таълимнинг ислоҳ этилиши: тараққиёт тажрибаси ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2012. – 287 бет.; Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт // “Халқ сўзи” 2012, 12 май. № 93, 1-бет. Рўзметов Э. Маҳалла – демократик қадриятлар маскани // “Халқ сўзи” 2012, 10-март, № 49, 1-бет. Шодиев О. Баркамол авлод келажакимизнинг мустақкам асосидир // “Халқ сўзи” 2012, 21 сентабр. № 187, 4 бет.; Худойшукуров З. Маҳалла – оилавий бизнес маркази // “Халқ сўзи” 2012, 20 сентабр. № 186, 4-бет.; Файзиёва В. Бетакрор мросимизга эҳтиром // “Халқ сўзи” 2012, 18 сентабр. № 184, 4-бет.; Хидиров О. Маҳалла – меҳр-оқибат ва аҳиллик маскани // “Халқ сўзи” 2012, 12 сентабр. № 179, 2-бет.; Имомов С. “Меҳр ва оқибат ошени // “Халқ сўзи” 2012, 31 абгуст. № 171, 3-бет.; Машарипов Б. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий қафолати // “Халқ сўзи” 2012, 12 октабр. № 201. 1-бет.; НишоновЭ. Наврўз оҳанграбоси // “Туркистон” 2014, 12 март. № 20, 5-бет.;Эсанова З. Соғлом маънавий муҳит // “Халқ сўзи” 2012, 11 феврал. № 30, 2-бет.;Усмонов И. Ўзбекистон – динийбағрикенглик анъаналари меросхўри // <http://www.tiu.uz>.Усмонова Н. Изланиш ва масъулият

партиялар фаолиятининг аёллар фаоллиги билан диалектик боғлиқлиги” номли мақоласида ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрни масаласи батафсил ёритишга ҳаракат қилинган. “... аёлларнинг сиёсий партиялар фаолиятида қатнашиши, ижтимоий-сиёсий аниқлик киритиши, ташкилотда маълум бир маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириши, аёллар, оналар ва болалар муаммоларини ҳокимиятга етказиши мумкинлигини унутиб бўлмайди”, деб алоҳида хулоса беради.

Н.Нишонова эса аёлларнинг раҳбарлик фаолиятида аёлларнинг ўрни масаласини ёритишга ҳаракат қилади. Муаллиф “халқимиз тасаввурида раҳбар: халқнинг йўлбошчиси ва етакчиси; ҳамма нарсани билувчи, ҳамма нарсани кўрувчи – раҳнамо; раҳбар халқнинг “отаси”, аёл раҳбар эса “онаси” уни тарбияловчи, ғамхўрлик қилувчи, парваришловчи, адолат ила жазоловчи, ҳатто ўзидан ёши кичик ёки тенг бўлсада, “ака”, “опа” раҳбар деб муомала қилади, деб таъкидлаб, “аёл-нафосатга тўла мавжудодки, унинг раҳбарлиги айнан гўзаллик ширинсуханлик, эҳтиёткорлик, авайлаб-асраш, у ёки бу ҳолатда ҳам путур етказмаслик, хулласа етти эмас ўн тўрт мартга ўлчаб, сўнгра қилиш орқали ҳар қандай ишини амалга оширади”, деб таъкидлаб ўтади⁸. Шунингдек, мавзуни ўрганишда А. Тўхтабаевнинг Ёшлар тафаккурини шакллантиришда маҳалланинг ўрни” номли мақоласи ҳам айнан Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидаги ҳаракатларни турли манбалар ёрдамида ёритишга ҳаракат қилади⁹.

Асардаги энг қимматли масалалардан бири бу Президентимизнинг ислом динига бағишланган фикрларидир. Бугунги кундаги диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик кўплаб мақолаларда ўз аксини топмоқда. Масалан, Ж.Ганиев бу масалага алоҳида ёндошиб, бугунги кундаги динлараро

самараси // “Маърифат” 2014, 3 май. № 36, 3-бет.; Ишматбеков Х. Жаҳолатга қарши – маърифат // “Туркистон” 2014, 3 май. № 34, 6-бет. Ва б.

⁸Нишонова Н. Хотин-қизларнинг бошқарув қобилияти // ЎзМУ Хабарлари. №4, 2011. –Б.235-

⁹ Тўхтабаев А. Ёшлар тафаккурини шакллантиришда маҳалланинг ўрни // ЎзМУ Хабарлари. №1, 2013. –Б. 232-233 бетлар.

бағрикенгликни Ўзбекистон ҳукуматининг доно ва оқилона сиёсатида деб баҳо беради¹⁰.

Умуман, ушбу асарлар мавзуни ўрганиша муҳим манба бўлиб хизмат қилган бўлсада, лекин мавзуни тўлиқ ёритиб ишлаган илмий ишлар учрамайди.

Мавзунинг назарий – методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Вазирлар Маҳкамасининг фармойиш ва қарорларида кўрсатилган тарихий жараёнларни ўрганишда цивилизацияли ёндошиш, тарихни ўрганишнинг назария ва амалиёти ҳақидаги кўрсатмалар, шунингдек умумий илмий тамойиллар-илмий холислик, мантақий изчиллик, батартиблик-диссертациянинг моҳиятини очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, тавсиялари, нутқ ва суҳбатларида билдирган фикрлари, дастурий-концептуал, назарий-методологик фикр ва йўл – йўриқлари, унинг тарихий – маданий мероси ва тарихий – маданий алоқаларни тиклаш, иқтисодни ривожлантириш ҳақидаги мулоҳазалари диссертацияни ёзиш жараёнида асос қилиб олинган.

Малакавий битирув ишинингасосий мақсади “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида келтирилган маънавиятнинг мезонларини ўрганишдан иборат.

Малакавий битирув ишинингвазифаларига мувофиқ ишнинг куйидаги асосий вазифалари белгиланди:

-Ўзбекистонда маънавий жараёнлар ва уларнинг жамият янгилинишидаги ўрнини ўрганиш;

- Ўзбекистонда маънавий жараёнларнинг янгилиниши ва унинг истиқболларини ёритиш;

¹⁰Ганиев Ж. Таълим тизимида диний бағрикенгликнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритилиши // “Ўзбекистонда олий таълимнинг ислоҳ этилиши: тараққиёт тажрибаси ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2012. – 287 бет.;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг“Юксак маънавият –енгилмас куч” асарининг аҳамиятини ёритиш;
- Маънавий мезонларнинг жамиятни янгиланишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий мезонларнинг ёритилишини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда тарихий хотира, тарихий обидаларга муносабатни ўрганиш;
- Ўзбекистонда маҳалла фаолияти, оиланинг маънавий мезонлардаги ўрнини ўрганиш;
- тадқиқот натижалари асосида умумлаштирилган хулоса, тавсия ва илмий-амалий тусдаги таклифларни таърифлаб бериш.

Малакавий битирув ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши Кириш, иккита боб, бешта бўлим, Хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар ҳамда иловалар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий иши ??? бетдан иборат

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

I.1. Ўзбекистонда маънавий жараёнларнинг янгилаши ва унинг истикболлари

Давлатнинг мустақиллиги авваламбор, унинг миллий – маънавий тикланиши билан бошланади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда бу масала ҳал этилди. Аввало 1991 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар ҳаққоний тарзда ўтказилиб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов кўпчилик овоз билан сайланди. У республика халқининг истиқлолдан сўнг тақдирини белгилаб берувчи тараққиёт йўлини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бераолди. Президент сифатида ҳар қандай оғир шароитга қарамай дадил, Ўзбекистонни мустақил йўлдан етаклайолди. Айти пайтда Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки куниданок ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб олди. Аждодлар тажрибаси, ўғиту панд-насихатларига суяниб, тараққиёт этган дунё давлатларидан илғор ютуқларни қабул этган ҳолда мустақиллик йўлидан дадил одимлади. И.Каримов ўз асарларида, сўзлаган нутқ ва маърузаларида Ўзбекистоннинг келажаги, тараққиёт йўли, амалга оширилиши лозим бўлган ишларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди ва ривожлантириб келди. Ана шундай вазифалардан бири маънавий тикланиш масаласи эди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбин уйғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзонидир”¹¹, дея ҳаққоний таъкидлаган эдилар.

Ўтган 23 йилдан ортиқ давр мобайнида юртимизда маънавиятимизни тиклаш ва уни янада бойитиб халқимизга қайтариш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритилиши бой тарихимиз ва меросимизни тиклаш, мавжуд бирламчи

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Тошкент. Маънавият, 2008.- 19 бет.

манбаларга таянган ҳолда, уларни холисона ва ҳаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўқитиш имконини берди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида Президент Ислам Каримов Ўзбекистонни мустақил суверен давлат деб эълон қилар экан, бундан буён мамлакатимизда сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият йўналишларида кенг миқёсли ўзгариш, янгиланиш, ислохотлар кечишини алоҳида таъкидлади. Орадан яна бир йил ўтиб, "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли китобида мамлакатимизни янгилаш ва ривожлантиришнинг

-умуминсоний кадриятларга содиқлик;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

-ватанпарварлик сингари ўзига хос тўртта асосий негизини белгилаб берди¹².

Кейинчалик эса, Юртбошимиз "Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш –Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир" деган яна бир эзгу ҳаракатни эълон қилди.

1994 йилда маънавий-маърифий жараёнларнинг давлат миқёсидаги устувор сиёсат эканининг амалий тасдиғи сифатида мутлақо янги ижтимоий институт –Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилди ва унинг вилоят, туман бўлимлари таркиб топди. Кейинчалик Марказ Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти билан мувофиқлаштирилди.

2006 йили тизим замон талаби ва маънавий-маърифий ишлар кўламига кўра яна такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"¹³ ги қарори асосида Бош вазир Кенгаш раиси, ҳокимлар вилоят ҳудудий кенгашлари раиси этиб белгиланди.

¹²Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1 жилд. –Тошкент. Ўзбекистон, 1996. 76 бет.

¹³ Маҳалла хайрли ишлар маскани // "Халқ сўзи". 2008, 19-апрел. № 78, 1-бет.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари мавқеига тенглаштирилган маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи лавозимлари жорий этилди. Кенгаш таркибида икки марказ – Республика Маънавият тарғибот маркази ва Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Демак, маънавият-маърифат ва миллий ғоя билан боғлиқ умумназарий илмий-амалий масалаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда уни тарғиб қилишнинг мамлакат миқёсидаги конструктив механизми яратилди. Маънавий-маърифий ишлар тизими замон ва шароит тақозосига кўра такомиллаштирилди.

Мазкур институт томонидан умуминсоний кадриятларга содиқлик ифодаси сифатида ўтказилган халқаро фестиваллар, маънавий меросимизни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги маданий-маърифий тадбирлар, ижодкор зиёлилар, айниқса, ёш ижодкорларга амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш орқали ўз имконият ва салоҳиятларини намоён этишга рағбатлантириш ва охир-оқибат ана шу воқеа-ҳодисалар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида Ватанга муҳаббат, ғурур ва фидойилик хислатларини уйғотиб борди. Айни пайтда бу жараёнларнинг тизимли шаклга кириб, моҳият ва сифат жиҳатидан мутлақо янги ижтимоий институтнинг таъсис этилиши маънавий-маърифий ислохотларнинг давомийлигини таъминлади¹⁴.

Истиқлол берган катта имконият туфайли ҳаммамизга ўтмиш бағрига «яшириб қўйилган» маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш насиб этди. Харобага айланган меъморий обидалар қайта тикланди ва ўзини дунёга намоён этди. Халқимизнинг маънавий дунёсини юксалишида, миллий кадриятларнинг умубашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожланишида тарихий хотира масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимиз мероси ҳаққоний ўрганилди. 2000 йилда шаҳидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август

юртимизда катагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. 9 май ғалаба куни санасини жамоатчилик таклиф ва мулоҳазалари асосида мамлакатимизда “Хотира ва кадрлаш куни” сифатида нишонлашга қарор қилинди¹⁵. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида акс этган ёдгорликлар ўрнида халқимиз руҳи ва қарашларини ўзида мужассам этган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она хайкали ўрнатилди.

Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қуйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккир ва шоирларнинг таваллуд саналари кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқи биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди. Бу даврда буюк шахслар хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари жамият маънавиятини, миллий ғурурни юксалтиришга ҳамда халқимиз, айниқса, ёшлар онгига миллий ғоямиз тамойилларини сингдиришга хизмат қилди.

Президентимиз И.А. Каримов шундай ёзади: «Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради»¹⁶.

Истиқлол туфайли Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўз истеъдодини намоён қилишига имкон туғилди. Айниқса, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришилаётган ютуқлар катта бўлди. Ўтган йиллар мобайнида нодавлат бирлашма томонидан таълим соҳасида кўплаб дастурлар амалга оширилди. Юртимизда дунёда ўзининг ўхшашига эга бўлмаган уч босқичли

¹⁵ Тўраев А. Инсон қадрлари улуғ, хотираси боқийдир. // “Халқ сўзи”. 2008, 10-май. № 93, 1-бет.

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. 142-143-бетлар.

спорт мусобақалари тизими яратилди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт мусобақалари ёш авлоднинг ўз истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариши учун катта парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилди¹⁷.

Шу ўринда мустақиллик йилларида республикада ёш қобилият эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли жамғармалар ташкил этилди. Улар ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бордилар. Бу турдаги жамоат ташкилотлари сирасига мустақилликнинг дастлабки йилларида тузилган «Умид» жамғармаси, бугунги кунда фаолият қамрови кенгайиб бораётган «Истеъдод», «Келажак овози» жамғармалари фаолиятини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу жамғармалар истеъдодли ёшларни танлаш ва уларни чет эллардаги нуфузли ўқув юртларида таълим олишини қўллаб-қувватлаш, сифат жиҳатидан янги дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни республика таълим тизимига жорий қилиш, жаҳоннинг турли ўқув марказлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим соҳасидаги замонавий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этдилар.

Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловлар, жумладан, “Ниҳол”, “Эътироф”, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти, олий ўқув юртлари талабалари орасида юксак истеъдодли талабаларни саралаб олиш мақсадида номдор стипендияларнинг жорий қилиниши, буларнинг барчаси ўз навбатида ёшларнинг доимо изланиб, истеъдод ва маҳоратини ошириб боришга туртки берди. Замонавий усулда барпо этилган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ёшларнинг юксак педагогик технологиялар асосида билим олиши, касб эгаллаши учун барча қулайликлар яратилди. Эндиликда бу қутлуғ даргоҳларда ёшлар ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланмоқда. Замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида билим олаётган ёшлар ўз навбатида билимларини янада

¹⁷Аҳмедова Ҳ. Эртанги кун бизники, шижоатли ёшларимизники// “Халқ сўзи”. 2008, 20-май. № 99, 1-бет.

чуқурлаштириш учун интилди ва ўз салоҳиятини намоён этди.

Айни пайтда Президентимиз Ислон Каримов томонидан мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон этилганига ҳам ўн йилдан ошди. Аслида “Инсон манфаатлари йили” шиори остида яқунланган 1997 йилнинг 9 декабрида шу ҳақда қабул қилинган Фармойиши ва ҳар бир оила муаммоларига дахлдорлиги билан кечган 1999 йил – “Аёллар йили”, 2000 йил – “Соғлом авлод йили”, 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил – “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил – “Меҳр-мурувват йили”, 2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2010 йил – “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар йили”, 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил “Обод турмуш йили” ва ниҳоят 2014 йил – “Соғлом бола йили”. Хусусан, 2008 йил – “Ёшлар йили”даги қатор расмий ҳужжатлар асосида амалга оширилган тадбирлар, жумладан, Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси”дан тортиб то Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 1 декабрида маъқулланган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларнинг барчаси, айтиш мумкинки, ўз мавридида англаб етилган ижтимоий ҳақиқатнинг эътирофи ва ёрқин ифодаси бўлди. Негаки, истиқлол йўлига қадам қўйилган дастлабки кунданок мамлакатимизда бунга маънавий-моддий замин яратиб келинаётган эди. Тараққиётнинг ўзига мос ва ўзига хос йўлини танлаган мамлакатимиз бу соҳада ҳам ўзига мос ва ўзига хос йўл танлай олган эди. Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли ўшандаёқ ишни соғлом авлодни тарбиялашдан бошламоқ зарурияти кун тартибига қўйилган эди. Шу мақсадда аввал жаҳоннинг бирорта мамлакатаида бўлмаган юксак мукофот – “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис қилинганлиги, сўнгра шу номда махсус жамғарманинг ҳамда бирин-кетин “Камолот”,

“Маҳалла” жамғармаларининг ҳамда “Оила” илмий-амалий марказининг ташкил этилгани, қолаверса, “Мактабгача тарбия”, “Тарбия”, “Бошланғич таълим”, “Соғлом авлод учун”, шунингдек фақат болаларга мўлжалланган “Билимдон”, “Бойчечак”, “Бекинмачоқ”, “2x2”, “Знайка” ва “Доноворд” сингари қувноқ журналларнинг чиқа бошлаганлиги, ниҳоят, 1994 йилнинг 1 октябрида “Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 1997 йилнинг 1 январидида “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида” сингари қатор тадбирларнинг амалга оширилганлиги, фармон ва қарорларнинг қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ қилинганлиги, қолаверса, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”¹⁸ ҳам пировард-оқибатда оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлигини таъминлаш йўлидаги мислсиз ишлар эди. Сирасини айтганда, 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили” тарзида нишонлангани оилани муқаддас қадрият сифатида эъзозлаш миллий – маънавий такланишнинг бир пиллапоя вазифасини ўтади. Кўринаётирки, мамлакатимиз истиқлолнинг еттинчи йилини – Оила йили сифатида нишонлаш шунчаки тантанавор шоирбозлик аломати бўлмай, балки буюк келажакни қўзлаб соғлом демократик жамиятни яратиш йўлида оғишми амалга оширилаётган изчил ижтимоий-маънавий сиёсатнинг мантиқий натижасига айланди.¹⁹

Кўп асрлик маънавий ва маданий меросимизни Давлат мустақиллиги қўлга киритилган кунлардан бошлаб, бой маънавий ва маданий меросга ворис халқ эканлигимизни англашиш ва бу билан фахрланиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Улуғ аждодларимиз, улар яратган бебаҳо илмлар, жаҳон фани ва маданиятига беқиёс катта ҳисса бўлиб қўшилган асарларини теранроқ ўрганиш имкониятлари юзага келди. Юртдошларимиз Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақш-банд,

¹⁸Собиров Ш. Баркамол авлодни тарбиялаш келажак эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг пировард мақсадидир. // “Халқ сўзи” 2010, 6 ноябр. № 215, 2-бет.

¹⁹ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. –Тошкент, “Маънавият” 2009, 6-7 б.

Маҳмуд Замахшарий, Хўжа Аҳрор Валий ва бошқа ислом оламининг алломалари ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, уларнинг ўлмас асарлари халқимиз маънавий хазинасига қайтарилди. Зотан, бу буюк сиймолар одамлар онгига поклик ҳалоллик диёнат, адолат сингари умуминсоний кадриятларни сингдиришиб, кишилик жамиятининг эзгулик йўлидан тараққий топишига улкан ҳисса қўшдилар. Мана шу алломаларнинг таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди. Истиклол шарофати билан ҳамда Президентимизнинг ташаббуслари билан алломаларимиз таваллуд саналари нишонланди. Буюк соҳибқирон, ўзбек давлатчилиги ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ бобомиз Амир Темур таваллуд топган куни муносабати ва мустақиллик шарофати билан соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини ҳолис ва илмий ўрганишга киришилди. Буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш муносабати билан Темур ва темурийлар даври тарихи, адабиёти ва санъатига бағишланган янги-янги тадқиқотлар юзага келди. «Темур тузуклари»нинг нашр этилиши буюк Соҳибқироннинг шахсини теранроқ англашга ёрдам берган бўлса, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, Шомийнинг «Зафарно-ма»си, Ибн Арабшоҳнинг икки жилдлик «Амир Темур тарихи» китоблари-нинг чоп этилиши буюк бобокалонимиз ҳаёти ва амалга оширган ишларини тўлароқ миқёсда идрок этишга имкон яратди²⁰. Мустақиллик йилларида бир қатор бобокалонларимизнинг таваллуд айёмлари нишонланди. 1991 йили Алишер Навоий, 1993 йили Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд, 1994 йили Мирзо Улуғбек, 1995 йили Феруз, Нажмиддин Кубро, 1996 йили Амир Темур боболаримизнинг тантаналари нишонланди.

Мустақиллик йилларида ислом динининг қайта тикланиши ва бу борада қилинган ишлар 1998 йили октябрда Имом ал-Бухорий хазратларининг таваллуд кунларини нишонланиши билан ҳам яққол кўзга ташланди.

²⁰Хидирова Б. Манбалар тилга кирганда // “Халқ сўзи”. 2008, 11-апрел. № 72, 1-бет

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий - Имом ал-Бухорий (810-870) муҳаддис уламо, ислом таълимотига оид 20 дан ортиқ аср ёзга аллома бўлиб, Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомий ас-Саҳиҳ" асарига 7275 та ҳадис киритилган. Тадбирларга яқин Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида "Ёдгорлик мажмуи" барпо этилди, 4 жилдлик "Ал-жомий ас-саҳиҳ" китоби илк бор ўзбек тилида нашр этилди.

2000 йил Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг таваллуд айёмлари нишонланди.(1123-1197) Риштонда (Фарғона) тугилган, у 4 жилдлик "Ҳидоя" асарини ёзган машҳур фақиҳ (ҳуқуқшунос) олими; Ал-Марғинонийнинг бир қанча тилларга таржима қилинган "Ҳидоя" асари бир неча асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича назарий ва амалий қўлланма бўлиб келмоқда, унинг 910 йиллиги нишонланди.

Имом Абу Мансур ал-Мотурудий (870-944) калом илмига ҳисса қўшган аллома, у 870 й. Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида тугилиб, 944 й. Самарқандда вафот этган. Ал-Мотуридий исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларига оид асарлар ёзган. Унинг "Китоб ат-Тавҳид" (Аллоҳнинг бирлиги) ва "Таъвилот аҳл ас-сунна" (Суннийлик анъаналари шарҳи) асарлари сақланиб қолган. Уларда диний таълимот, исломий урф-одатлар инсоннинг камол топишида, дунёқараши шаклланиши моҳияти талқин этилган. Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги 2000 й. ноябрда нишонланди; Самарқандда ёдгорлик мажмуи барпо этилди, асарлари ўзбек тилида нашр этилди. Калом-ислом таълимотини асослаб берувчи диний илм.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (797-865) "Байт ул-ҳикмат"да фаолият кўрсатган астраном, математик ва географ олим. У Фарғона водийсининг Кува шаҳрида тугилгани учун Шарқда Ал-Фарғоний, Европада Алфраганус, номи билан шухрат топган. Фарғоний Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича "Зич" (астрономик жадвал) яратиш ишларига раҳбарлик қилди. 832-833 йй. Сурия шимолида Синжор даштида ва Ар-Раққа оралиғида ер

меридиани 1 даражасининг узунлигини ўлчаида қатнашди. Фарзоний раҳбарлигида 861 й. Нил соҳилида қурилган қадимги гидрометр–дарё оқими сатҳини ўлчайдиган "Миқёс ан-Нил" иншооти қайта тикланди.

Фарзонийнинг 8 та асари бизгача етиб келган; улар орасида "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҷум" китоби ҳам бор, бу китоб 12 асрда лотинчага таржима қилиниб, нафақат Шарқда, балки Европада ҳам астраномия илми ривожини бошлаб берди. Ал-Фарзонийнинг "Астраномия асослари" китоби бир неча асрлар давомида Европа университетларида астраномия фани бўйича дарслик сифатида фойдаланилди. Фарзоний таваллудининг 1200 йиллиги 1998 й. октябрда нишонланди; Фарзона шаҳрида унинг номи билан боғ яратилиб, ҳайкали ўрнатилди.

Абу наср Форобий - (873-950) Арис сувининг Сирдарёга қуйилишида жойлашган Фароб шаҳрида тузилган. У аввал Форобда, сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Бағдодда билим олган; умрининг охирида Халаб ва Дамашқда яшаган. Форобий риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, мантиқ, фалсафа, тилишунослик, тарбияшунослик, адабиёт соҳаларида ижод қилган. У 160 дан ортиқ асар ёзган; жумладан Арастуниинг "Метафизика" асарига шарҳ", "Му-сиқа китоби", "Бахт-саодатга эришув ҳақида", "Тирик мавжудот аъзолари ҳақида", "Фозил одамлар шаҳри". Форобий Шарқда Арастудан кейинги (1-муаллим Аристотел) - "Муаллимус Соний" (2-муаллим) номи билан шуҳрат топди. Метафизика-сезгилар воситасида англаб олиши мумкин бўлмаган объектларни (сифат, мазмун, моҳият, ҳодиса) тадқиқ этувчи фан. Фал-сафа-ҳаётдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг алоқадорлигини ўрганувчи фан.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий - (783-850) турли соҳадаги билимларини Хоразм ва Моваруннаҳр шаҳарларида кўп устозлардан олади. Халифа Маъмун (813-833) даврида "Байт ул-ҳикмат"да мудир сифатида фаолият кўрсатади. Хоразмий математик, астроном, географ олим сифатида 20 дан ортиқ асарлар ёзган, фақат 10 та асари сақланган. Хоразмий математикага доир "Ал-жабр вал-муқобала", "Ҳинд ҳисоби ҳақида"; географияга оид "Китоб сурат ул-арз" (Ер сурати); астраномияга

оид "Зиж" ва "Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб"; тарихга оид "Китоб ат-тарих", "Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола" каби асарлари бор. Хоразмий "Ал-жабр вал-муқобала" китоби билан математика тарихида 1-бўлиб Алгебра фанига асос солди. "Алгебра" атамаси ушбу асарнинг қисқача "ал-жабр" деб аталишидир. Хоразмий номи математика фанида "Алгоритм" атамаси шаклида ўз ифодасини топган. "Ал-жабр" асари асарлар давомида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қилиш, меросни тақсимлаш, ҳисоб ва ўлчов ишларида дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Хоразмнинг бу рисоласи 12 асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик ҳисоблаш тизимининг Европа ва дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди. Хоразмий ал-жабрни мустақил фан даражасига кўтариб, алгебра фанига асос солди.

Абу Али ибн Сино - (980-1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида маҳаллий амалдор оиласида туғилган. Мактабни битиргач устози Абу Абдуллоҳдан мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва фикҳ илмларини ўрганади; 16 ёшидан бошлаб турли фанлар бўйича Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий асарларини мустақил ўрганади. Айниқса табобат илми бўйича қадимги алломалар Гиппократ ва Гален; ўрта аср Шарқ ҳаками Абу Бакр ар-Розий (865-925) асарларини пухта ўрганади. Ибн Сино 17 ёшида эътиборли ҳаким ва олим бўлиб етишиди. У амир Нух ибн Мансурни даъволаб сомонийлар сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олади. Ибн Сино Гурганч (Урганч)даги Хоразм Маъмун академиясида ижод қилади; у 1037 й. Ҳамадонда вафот этган.

Ибн Сино 450 дан ортиқ, тиббиётга доир 43 та асар ёзган. Унинг 5 жилдлик "Ал-қонун фит-тиб" (Тиб қонунлари) асарида касаллик сабаблари, диагностика, муолажа усуллари, доривор ўсимликлар ва дориларнинг хусусиятлари, парҳез, саломатлик учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти каби масалаларга эътибор берилган. Унинг "Ал-қонун фит – тиб" асари 12 асрда лотинчага таржима бўлиб 17- асргача Европа табобатида асосий

қўлланма сифатида фойдаланилган. Ибн Сино Шарқда "Шайх ур-раис" (дошиманлар сардори), Фарбда "Авиценна" номи билан машҳур бўлган.

Абу Райхон Беруний - (973-1048) Кат шаҳрида туғилиб, Урганчда таълим олган. Абул Аббос Маъмун 2 саройида олимлар билан "Маъмун академияси"да ижод қилган. Беруний 1017 й. Маҳмуд Ғазнавийнинг талаби билан Ғазна шаҳрига боради ва умрининг охиригача Ғазнада яшаган. Беруний фалакиёт, география, математика, тарих фанлари бўйича 160 дан ортиқ асар ёзган, йирик асарлари "Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Геодезия", "Минералогия"

Бундай сиймоларнинг илмий мероси кенг миқёсда тадқиқ этила бошланди. Уларнинг яратган асарлари асл нусхада ёки таржима этилиб, халқимизга етказилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасизки, маънавий ҳаётимизнинг тобора бойиб бораётганидан далолат беради.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарининг аҳамияти

Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан узвий боғлиқлик, уйғунлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади. Мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш жараёнида иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлиги асос қилиб олинганлиги ҳамда аҳамияти ҳақида Президентимиз: "Бизнинг ислохотлар давомида наинки моддий фаровонликка айна пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда... фақат моддий бойлик ортидан қувиш – халқимизнинг азалий орзу интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятларига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб,

ривожланиб боради, деган коидани ўзимиз учун дастурил амал сифатида белгилаб олдик”,²¹ - деган эдилар.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳар қандай иқтисодий масалаларни маълум маънавият ва маърифат соҳибларининг ўрни юқори бўлади. Мамлакат қанчалик иқтисодий ривожланган бўлса, бу мамлакатда маънавият ва маърифат шунча юксак бўлади. Юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган мамлакатнинг иқтисодий куч-қудрати ҳам юқори бўлади. Демакки, маънавияти ва маърифати юксак инсон юрт, мамлакат, халқ олдида ўзига юклатилган маъсулиятни чуқур ҳис этади. Шу юрт, мамлакат, халқ учун ҳалол, фидокорона яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан унинг юксакликка парвози учун ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини теран ҳис этади. Шундай қилиб, юксак маънавият ва маърифат юксак иқтисод билан, юксак иқтисод эса юксак маънавият ва маърифат билан боғланиб кетган жамиятда тараққиёт осон кечади.

Президент И.А.Каримов ўзининг 2008 йилда ёзган “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида инсонни инсон қиладиган, одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўринга эга маънавиятга “... инсонни руҳан покланиши, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”²², деган юксак баҳо бериб маънавиятнинг ҳаётдаги тасдиғини яққол ифода этади. Маънавиятнинг виждон поклиги ва бедорлиги хусусияти жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавият кўп жиҳатдан инсон билан боғлиқ. Бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр оқибат, бахт ва саодат бўлмайди. Ер юзида қанча инсон қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Шу боси ҳам, Юртбошимиз “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни

²¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008, 107- бет

²² Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008. 19 б.

тушуниш, англаш керак”,²³ лигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ушбу китобнинг аҳамияти шундай иборат бўлдики, асарда маънавий меросга алоҳида эътибор қаратилган. Асарда бугунги кунда маънавийтимизга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳар қайси халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигани алоҳида таъкидланади ва маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида кўрсатилади. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз экани ғурур билан таъкидланади. И.А.Каримов ўз асарида маънавий меросимиз-халқимиз учун энг қадимий, миллий байрам– Наврўз айёмини ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси, деб таърифлайди. Уни халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват, эзгулик ва ҳимматни шакллантирувчи омил сифатида фахр билан тилга олади.

Президент ўз асарида иккинчи – “Мустақиллик –маънавий тикланиш ва юксалиш” номли бобининг "Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт" бўлимида миллий ғояга аниқ ва мантиқий асосланган таъриф бериб: "Миллий ғоя... аждодлардан-авлодларга ўтиб эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини”²⁴ ўзида мужассам

²³Каримов И. А. Юсак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008.- 29-б.

²⁴Каримов И. А. Юсак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008, 71- бет

этган ботиний кучдир, деб баҳолайди. Миллий ғоянинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби асосий тушунчалари бевосита инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ ҳолда кечади. Айни пайтда жамият ҳаётида миллий ғоянинг устунлиги кишиларда миллий ғурурни уйғотиб, ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларга эл-юрт, Ватан манфаатларидан келиб чиқувчи мустақил фикр, аниқ ҳаётий позиция, масъул ёндошув ва муносабатларни шаклланишига кўмак беради²⁵. Мана шулардан келиб чиқиб, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш, юксак маънавиятли жамиятни барпо этиш миллий ғоянинг асосий вазифаси эканлиги китобда ҳар томонлама ёритиб берилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий ғоя миллий ривожланиш ғояси билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий ғоя миллат рамзи, тимсоли, мақоми ва мустақиллигини англатувчи унинг менлигини, маънавий – руҳий ва интеллектуал салоҳияти даражасини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Миллий ғоя шу маънода ҳам тараққиётнинг барча босқичларида шаклланадиган янги ғоялар учун ўзгармас манба бўлиб қолаверади. Унинг ўзгармаслиги миллий тараққиёт ўз заминлари асосига қурилганлиги билан боғлиқдир. Аслида миллий ғоя ҳам миллатнинг эҳтиёжига қараб ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради²⁶, деб таъкидлайди проф. С.Отамуродов. Шунингдек, муаллиф бугунги кунда миллий ғоянинг таълим тизимига киритилиши муҳим деб ҳисоблаб, у биринчидан ўзини бадном қилган коммунистик мафкурани барбод бўлиши, мустақиллик ва тараққиёт ғоясининг шаклланиши оралиғида юзага келган ғоявий бўшлиқ шароитида унинг ўрнини тўлдиришга даъвогар бўлишга жон- жаҳди билан интилган, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига зид бўлган турли зарарли ғояларни олдини олади. Иккинчидан, мустақиллик йилларида “Миллий истиқлол ғояси” мустақиллик, суверенитет, озодлик, эркинлик, тенглик, барқарорлик ва тинчлик каби туйғуларнинг қадр-қимматини ёшларимиз

²⁵Тоғаев Ш. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишдаги муҳим вазифа // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. Илмий конференция материаллари. 21-22 феврал. 2008 йил. – Тошкент. 2008. - 116 бет.

²⁶Отмуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2008. – 80 бет.

дунёқарашининг ажралмас қисмига айланишида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Учинчидан, мамлакатимиз аҳолисини мустақилликни мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнига кенг сафарбар этди. Тўртинчидан, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни тиклаш ва уларни халқимиз онгига сингдиришда катта рол ўйнади. Бешинчидан, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро бағрикенглик туйхуларининг шаклланишига ва ривожланишига ижобий таъсир ўтказди. Олтинчидан, мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ошиб боришида мустақил илмий-назария сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди, деб таъкилайди²⁷.

Юртбошимиз ҳар бир халқнинг ўз миллий қадриятларини ривожлантиришда **тарихий хотира** алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб, “...тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”²⁸, деб тарихий хотирага таъриф беради.

Умуман, маънавият соҳасидаги янгилашлар Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштиришда муҳим роль ўйнади. Фуқароларнинг маънавий даражаси жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартирди. Янгиланган ахлоқий етуклик, юксак онг, маънавий камолот Она Ватанимиз тараққиётини белгилади, унинг тараққиётини, янгидан-янги имкониятларини юзага келтирди. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёни, жамият тафаккурининг янгилашиши ўзига хос-тадрижий ислохотлар орқали амалга оширилди.

Мустақиллик номоддий маданий меросни сақлаш ва муҳофаза этишга имкон яратганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим. Номоддий маданий мерос тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар,

²⁷Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2008. – 88 бет.

²⁸Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008, 97-б.

артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида хамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян хамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади.

Ўтган қисқа даврда миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатларни тиклаш, халқимиз ўртасида тарғиб қилиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”²⁹ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Дастурда белгиланган вазифаларни сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлашга муҳим эътибор қаратилди. Дастурда белгиланган вазифалар асосида маданий мерос обидалари ҳамда мустақиллик йиллари амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништириш мақсадида ёш-ларни тарихий обидалар, музей ва кўرғазма залларига саёҳатлари ташкил этилди. “Муқаддас аждодларимиз илмий меросини ўрганамиз”рукни остида аждодларимиз қолдирган илмий, бадиий маданий меросларини ўрганиш ҳамда асраб-авайлаш борасида амалга оширилган ишларни акс эттирувчи ҳужжатли фильмлар ва видео материаллар асосида юртимизнинг ҳар бир аллома мутафаккирлар меросининг беқиёслиги ғоясини ёшлар онгига сингдириб борилди. Бундай тадбирларнинг ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилиши, ёшлар қалбида миллий бойликларимизни асраб авайлаш, аждодлар меросини ўрганиш, уларни кела-жак авлод ворисларига

етказиш, номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш сингари тушунчаларнинг пайдо бўлишига пойдевор бўлди.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, “... шундай даҳшатли даврларда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди... Халқимизнинг асрлар синовиди янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди”³⁰. Мамлакатимизда бугун олиб борилаётган кенг қўламли тадбирлар аждодлардан мерос бўлиб келаётган миллий меросларимизни ўрганиш асносида ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишига ҳамда она юртни, оила қўрғонини асраб-авайлашга, ота-боболаримиз меросини асраш сингари тушунчаларини тарғиб этилишига замин бўлди. Ана шу тариқа, эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг мамлакатимиз келажагига бўлган ишончи ортиб борди. Президент И.А.Каримов номоддий маданий мерос ҳисобланган бундай урф-одатларимизни, умуман инсон тафаккурини янгилаш, осон иш эмаслигини, бу жараёнларни зўравонлик билан тезлаштиришга уринмаслик лозимлигини уқтириб, “Биз барча соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам тадрижий-эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз”,³¹ деб таъкидлаган эдилар.

Бугунги кунда инсоният социумнинг барча соҳаларини қамраб олаётган, барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашуви ҳақидаги фикрлар олдинга сурилаётган, саноат ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида амалга оша бошлаган, интернет туйғули ҳар қандай янги ахборот (информация) сайёрамизнинг истаган жойига яшин тезлигида тарқалаётган, олимлар Ерда ягона

³⁰Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 25-26-бетлар.

³¹Каримов И.А. Юксак маънавият –энгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008,101-б.

цивилизация қарор топиши хусусида гапира бошлаган ва, А.Тойнбининг таъбири билан айтганда, инсоният, ”умумий уй”, “умумийтақдир» ва умумий ташвишлар билан яшашга киришаётган,³² бир сўз билан айтганда, “глобализация” (глобаллашув) деб аталаётган жараёнлар содир бўлаётган замонда яшамокда³³.

Шундай экан, маънавият масаласи ҳам эндиликда нафақат миллийлик, балки глобаллик хусусиятини касб этади. Лекин, глобаллашув жараёни Н.Жўраев³⁴ тўғри қайд этганидай, ҳозирча фақат қандайдир мавҳум ижобий жиҳатлари билангина эмас, балки кўпроқ «ҳозирги давр глобал муаммолари»ни келтириб чиқаргани ва, ҳатто “совуқ уруш билан алмашган”³⁵ бошқа вариантдаги уруш экани алоҳида таъкидланмоқда. Кўпчилик мутафаккирлар эса бу даврни ҳатто глобал инқирозлар (кризислар)³⁶ даври деб атамоқдалар. “XX аср инқирозни кучли ҳис этиш билан бошланган эди ва у шу ҳиссиёт билан поёнига етди”³⁷, - деб ёзади, масалан, рус файласуфи С.И.Дудник . “Биз барча жиҳатлардан қараганда жуда мураккаб даврда яшайпмиз, - дейди Л.И.Беляев. – Бу давр планетадаги ҳаётни сақлаб қолиш учун аввалги тафаккур парадигмасини, инсон ҳаётий фаолият мақсадини ўзгартириш тақозо этилаётган даврдир.”³⁸ Инқирознинг глобаллигини назарда тутган мутафаккирлар унинг ҳис этилишини назарда тутиб, ҳатто цивилизация учун “охир замон” (апокалипсис) белгилари намоён бўлаётгани ҳақидаги фикрларни ҳам билдирмоқдалар. Биз ҳам юқоридаги мутафаккирлар фикрига қўшилар эканмиз, ишимизнинг мазкур қисмида диққатимизни глобаллашув туфайли юзага чиқаётган муаммоларга ва уларнинг туб асосини ташкил этган маънавий-ахлоқий муаммоларига қаратамиз.Бундай муаммолардан бири глобал инқирозлар масаласидир.

³²Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент. Маънавият, 2008. – Б.221.

³³Қахҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – гллобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: 2009.

³⁴ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.459.

³⁵Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. Т., 2008. Янги аср авлоди. - Б.12.

³⁶Қахҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – гллобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: 2009.

³⁷Дудник С. И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001.Б.132.

³⁸Беляев М.И.Концепция русского национально государства.- Москва, 2006.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир кууролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар. Бу ҳақда гапирганда муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият– энгилмас куч” асарида “Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”³⁹, дея ҳаққоний таъкидлайдилар.

Бундай маънавий таҳдидлардан бири оммавий маданиятдир. Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ меъёрларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келаётганлигини унутмаслик керак. “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди⁴⁰. Мана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбари ҳам ўз асарларида “қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мурақаб вазиятда \ам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширишини кўриш мумкин”, деб ёзадилар. Бундай кишиларнинг борлиги жамиятдаги ҳар қандай таҳдидга қарши тура оладиган

³⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 111- бет.

⁴⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 114-бет.

ватанпарвар ёшларни шаклантиришда, тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Юксак маънавият соҳиби бўлган инсон миллий, умуминсоний кадриятларга қатъий риоя этади, имонли, инсофли, виждонли бўлади, ҳалол яшайди, нафакат ўз манфаати учун, балки давлат, миллат, жамият манфаатлари учун ҳам меҳнат қилади, хайр-саховатли, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлади, ўзи мансуб халқ ва миллатгина эмас, балки ўзга миллатларни ҳам ҳурмат қилади. Маънавияти юксак, одоб-ахлоқли, маърифатли, маданиятли кишилар элим, юртим деб ёниб яшайди, бировларга ҳиммату мурувват қилишни, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш ва тўғри йўл кўрсатишни ўзи учун бахт деб билади. Асарда ана шундай инсонлардан бири Озод Шарофиддинов ҳақида сўз юритилади. Озод Шарофиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган аср 50-йилларнинг ўрталарида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшаган, эркинлик шабадалари эса бошлаган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий ҳаётда, танқидчилик ривожда янги бир тўлқин бошланди. Озод ака ана шу тўлқиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг ихтирочиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг “Лирика ҳақида мулоҳазалар”, “Замон-қалб-поэзия”, “Ниҳоллар” мақолалари шеърятни, умуман, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишининг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар-эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида-бу истиқболи порлоқ чин истеъдодларни танқидчиликда илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга руҳлантирди. Устоз ва сафдошлари- Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби даврнинг пешқадам адиблари қалами остидан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди. Айни пайтда мунаққид устози Абдулла Қаҳҳордан руҳланиб адабиётдаги ҳалтурага, ўртамиёначиликка қарши мардона кураш олиб борди. 1940-1950 йилларда кенг тарқалган ўта

сиёсатлашган, нукул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган, куруқ риторика, ваъзхонликдан иборат “шеърият”нинг арва-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, “Шеърми шу асарлар, поезия борми уларда?” деган кескин саволни қўяди ва теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мантиқ асосида „Йўқ!“ дея жавоб бера олди. 50 – йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган “шеърлар” муллифлари унча-мунча хаваскор каламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига уларнинг танқид остига олинган нашрлари “ғоявий” жиҳатдан сиёсатга тўла мос эди.

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат тазйиқи ва таҳдидлари туфайли топталган тарихини тиклаш, катагон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир. Мунаққид “Тобутдан товуш” комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мафкуравий-сиёсий жиҳатдан “намақбул” шеърлар муаллифлари Э. Воҳидов, А. Ориповларга устозлик қилгани учун таъна-дашномларга учради, у муҳаррирлик қилган “Тирик сатрлар” тўплами, А. Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан суҳбат” китоби катагонга учради; Чўлпон шеърияти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадил чиқишлари жиддий “сиёсий хато”ликда айбланиб, мунаққиднинг қутлуғ номи бадном этилди... Бу хил кетма-кет зарбалар унинг дилини қанчалар вайрон қилганлиги қуриниб турибди. Агар мундоқроқ одам бўлганида бир-икки зарбадан сўнг аллақачон адабиёт, фан майдонидан этак силкиб кетган бўлар эди. Бироқ устоз танидаги, руҳидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу хўрликларни енга олди, аҳдидан, танлаган йўлидан қайтмай шижоат билан илмий-ижодий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ниҳоят истиқлол йиллари келди. Озод Шарафиддинов сингари заҳматкашлар елкасига ҳам офтоб тегди. Унинг янги босқичдаги илк машғулоти–ўттиз йиллик орзу-армони Чўлпонни юзага чиқаришдан

бошланди. “Кеча ва кундуз” романи мунаққид сўзбошиси билан қайта дунё юзини кўрди. Унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди, “Адабиёт надур” тўплами чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига бағишланган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди: Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар, иккита рисола яратди. Айниқса “Чўлпонни англаш” асари маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу эссе мустабид тузум шароитида кадр топмаган беназир истеъдод, XX аср шеърятининг ёрқин юлдузи тўғрисидаги ижодий зиёлиларнинг ўзига хос қалб нидоси, армон, афсус-надоматлари ифодасидир. Устоз иштирокида яратилган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги (1999) янги миллий адабиётимизнинг истиқлол руҳи билан йўғрилган илк илмий тарихи сифатида кадрлидир. Озод Шарафиддинов жисмонан ва руҳан ҳар қанча соғлом, матонатли бўлмасин, узоқ йиллик мунтазам тазйик, таҳдид, камситишлар барибир ўз асоратини кўрсатди: 90-йиллар ўрталарига келиб у оғир дардга чалинди, икки бор жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди, оёғдан ажралди, бунинг устига бошқа хасталиклар қўшилди. Ўша оғир дамларда Юртбошимиз уларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга ҳар жихатдан далда бериб турдилар, “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлади. Мунаққиднинг 70нەшлик юбилеи муносиб бир тазда ўтди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши ва журналга О.Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши бу аллома фаолиятида янги саҳифа очди⁴¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки мазкур асар бугунги кунда жамият ҳаётида маънавий барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда уни ёшларга етказиш мана шу китобда кўтарилган масалалар атрофида суҳбатлар уларнинг онгида Ватан хиссини янада юксалтиришга кўмак беради.

⁴¹Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент. Шарқ, 2004. – 5-8-бетлар.

II БОБ. Маънавий мезонларнинг жамиятни янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти

II.1. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий мезонларнинг ёритилиши

Мустақил Ўзбекистонда одамларимиз, халқимиз ва жамиятимиз маънавиятини тиклаш ва уни ривожлантириш ишлари бошида фидойи–инсонпрезидент И.А.Каримов турди. У кишининг раҳбарлиги ва раҳнамолигида юртимизда аждодлар мероси ва миллий қадриятларимиз тикланди. Эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган барча иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситишлар ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам берилди. У киши кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини олижаноб мақсадларга етишда устувор вазифа деб қаралди. Бу вазифа бугун ҳам И.А.Каримовнинг эътибори марказидадир. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарини ўқиган ҳар бир киши юртбошимизнинг бу хизматларини ва бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий таҳдидларга қарши қандай чора кўриш лозимлиги ҳақидаги назарий ва амалий қоидалари орқали тўлиқроқ ва теранроқ англайди.

Китобда чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жаҳид маърифатпарварлари яқин даврда яшаб ижод қилган, кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбоблари фаолияти ва ҳаёти хурмат билан эсга олинади. Миллатимиз маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни, маҳалланинг роли ва таъсири катта экани, маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил–таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён таҳлил қилинади. Муаллиф миллий маънавий мерос, маънавиятни шакллантирадиган мезонларни кенг қамровли тушунча деб, унинг таркиби

қуйидагиларни киритиб ўтади:

- маданий мерос, маданий бойликлар, қўхнатарихий ёдгорликлар;
- халқ оғзаки ижоди;
- бемисл илмий – ижодий кашфиётлар;
- жамиятда оиланинг ўрни;
- маҳалланинг роли ва таъсири;
- таълим – тарбия тизими;

Миллий маънавий қадриятлар тизимида тарихий мерос ва тарихий хотира муҳим ўрин тутди. Маънавиятни юксалтириш ва халқнинг руҳини кўтаришда тарихий мерос ҳамда тарихий хотиранинг жуда катга аҳамияти бор. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ундан сабоқлар чиқариш лозим.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу тарихий ёдгорликлар бизнинг маънавий меросимиздир. Масалан, бебаҳо маънавий обида “Авесто”нинг туб маънавий-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал” деган тамойили ҳозирги замон учун ибратли сабоқлар берса, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси–“Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Шу маънода, И.А.Каримовнинг “... халқимизнинг енгилмас баҳодирини–Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир... азамат ўғлонларимизда–бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўраимиз”⁴², деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Асарда буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган бетакрор ҳиссалари, Ўзбекистон заминида етишиб чиққан қомусий олимларимизнинг бемисл илмий-кашфиётлари маънавий меросимиз эканлиги ғурур билан сўзланади. Унда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритилиб, соҳибқирон Амир Темури ҳақида алоҳида тўхталади, унинг ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият билан йўғрилган фаолияти ибрат тариқасида келтирилади ва Мирзо Улуғбекнинг ишлари

⁴²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 34-б.

буюк маънавий жасорат тимсоли сифатида эътироф этилади.

Амир Темур – буюк давлат асосчиси. У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимолий ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари, шимолий шарқда Балхаш кўли ва Нил дарёсигача, жанубий шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар киради.

Амир Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди. Бу жиҳатдан Шарофиддин Яздийнинг “Зафарнома”сида Амир Темурнинг хижрий 806 – йили чақирилган олим-фузалолар кенгашида сўзлаган қуйидаги нутқ қайд қилинган: “Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подишоларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш. Юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддой одамларнинг жойлардаги ходимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра аёндр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шароит ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Агар олдин бизнинг диққат эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олийжаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан”⁴³. Одатда у тиббиёт, риёзат, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намоёндалари,

⁴³ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент 1993. 12-13 бб.

шунингдек илоҳият ва дин соҳасидаги машҳур уламолардан мавлоно Абдужаббор Хоразмий, мавлоно Шамсуддин Муншуи, мавлоно Абдулло Лисон, мавлоно Баҳруддин Аҳмад, мавлоно Нуъмиддин Хоразмий, Хўжа Афзал, мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқалар хизмат қиларди. Алишер Навоий Амир Темурнинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: “Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида маслаҳатчи сифатида фойдаланиларди⁴⁴”.

Ўзбекистон санъати ва маданияти тарихида Мирзо Улуғбек даври (1409-1449) муҳим ўрин тутди. Бу қирқ йиллик давр Амир Темур тузган давлатчилик анъаналарининг давоми ҳамда фан ва санъат соҳасига қизиқишнинг ўсиши билан Самарқанд тарихида чуқур из қолдирган. Амир Темур Самарқанддаги йирик қурилишларнинг битказилишини кўрмай вафот этган. Шаҳрисабзга 1404 йилда ташриф буюрган испан элчиси Клавихонинг гувоҳлик беришича, Оқ сарой ва Катта масжид, Туркистон шаҳридаги Яссавий мажмуаси, Самарқандда Бибиҳоним жоме масжидида олиб борилаётган қайта қуриш ишлари ва эндигина қурилиши бошланган Муҳаммад Султон, кейинчалик “Гўри Амир” номини олган мақбарадаги ишлар тўхтаган. Баъзи маълумотларда, Гўри Амир мақбараси ва Бибиҳоним масжидидаги қурилиш ишларини Улуғбек якунлаганлиги қайд этилган.

Улуғбек бозор майдонида мадраса ва хонақоҳ барпо этган. Бу жойлар “Регистон” деб аталган. Мадраса қурилиши 1417 йилда бошланган ва 1420 йилда тамомланган. Мадрасанинг меъморий шакли ва безаклари Бибиҳоним масжидига ўхшайди. Бундан хулоса шуки, Бибиҳоним масжидини қурган усталардан мадраса ва хонақоҳ қурилишида фойдаланилган. Хонақоҳ мадрасага ўхшаб ички ҳовлига эга бўлмаган ва марказий гумбазли хона атрофида жойлашган хужралардан ташқарига чиқиш эшиклари мавжуд

⁴⁴ЎЗМЭ 1т. Тошкент 2000. 278-279 бб.

бўлган. XVI аср бошида хонақоҳни кўрган Бобур унинг гумбази ҳақида кўйидагича эслади: “Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздир, оламда анча улуғ гумбаз йўқ деб нишон берурлар”. Улуғбек хонақоҳи мадраса рўпарасига жойлаштирилган. XVII асрда унинг ўрнига Шердор мадрасаси қурилади. Самарқанд ва Бухородаги мадрасалардан ташқари Улуғбек 1433 йилда Ғиждувонда мадраса қурдиради. Бу бинолар ҳозиргача сақланган мадрасаларнинг энг қадимгисидир. Самарқанд мадрасаси ўзининг нафақат ўлчами, ҳашаматлилиги ва турли хил безакларга бойлиги, балки тарихи билан ҳам ажралиб туради. Расадхона қурилгунга қадар, мадраса ҳовлисида астрономик кузатув ишлари олиб борилган. Мадрасада астрономия ва математикадан дарслар ўтилган. Маълумотларга кўра, Улуғбекнинг ўзи шу ерда астрономиядан маърузалар ўқиган. Буюк астроном Қозизода Румий ҳам бу ерда мударрислик қилган. XVI асрда мадрасада талабалар сони юздан ошган, мударрислар эса ўнтага етган.⁴⁵

Асарда ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири –Алишер Навоий ҳақида фахр билан сўз юритилиб, халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этган бу улуғ зотни И.А.Каримов “авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони⁴⁶”, деб таърифлайди.Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларида инсоннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камол топиши билан бирга унинг жисмонан етук бўлишига ҳам аҳамият қаратиш зарурлиги уқтириб ўтилган бўлиб, Алишер Навоий томонидан яратилган идеал шахс сиймосида маънавий ахлоқий комиллик ва ижодкорлик билан бир қаторда жисмоний етуклик ўз аксини топган⁴⁷. Шу маънода ҳам Ўзбекистон раҳбари И.А.Каримов ўз асарларида бобомиз Алишер Навоий хазратлари ҳақида мана шундай юксак эътироф бердилар.

Асарда миллатимиз маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда

⁴⁵ Қодирова Т ва б. Улуғбек даври меъморчилиги // Мозийдан садо. – Тошкент, № 2-3, 2010, - 41 бет.

⁴⁶Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 47 бет.

⁴⁷Зарипова Д. Тасвирий фаолиятимизда рамзийлик // Олима аёлларнинг фан – техника тараққиётида туган ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2008. - 359 бет.

оиланинг ўрни, маҳалланинг роли ва таъсири катта экани, маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил–таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён таҳлил қилинади. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, оила жамиятнинг энг кичик кўриниши бўлиб, унда шахс маънавиятининг энг асослари шакллантирилади. Оилада катта ҳурмат, кичикка иззат, ўз манфаатларини оила аъзолари манфаатлари билан уйғунлаштира олиш, оила аъзолари ўртасида ўзаро ёрдам ва баҳамжихатлик сингари маънавий омилларнинг камол топиши кейинчалик ижтимоий маъно касб этади. Шунинг учун ҳам халқимиз азал-азалдан оиланинг жамиятнинг маънавий тараққиётидаги ўрнини юксак баҳолаб келган. Жумладан, IX-XII асрларда битилган пандномалар муаллифлари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Кайковус сингари буюк бобокалонларимиз ўзларининг асарларида оиланинг маънавий тарбия борасидаги ролига бутун бир бобларни бағишланганлар. Бундан ташқари бугунги кунда ҳам юксак маънавиятли соғлом баркамол авлодни тарбиялашдаги оиланинг ролини ҳисобга олган ҳолда бу борада республикамизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1998йил “Оила йили” деб эълон қилиниши Фуқаролик, Оила кодексларининг қабул қилиниши оила институтини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли давлат сиёсатининг яққол намуналаридир.

Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида сўз борганда маҳалланинг бу борадаги беқиёс ролига тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки, маҳалла азал-азалдан қадриятларни юзага чиқариш маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Бундан ташқари

маҳалла Шарқона демократиянинг ёрқин кўриниши, бошқачароқ айтганда демократия дарсхонасидир. Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятларидан бири ўз-ўзини бошқариш органларидир. Маҳалла эса қадим-қадимларданоқ айна вазифа ўз зиммасига олган ижтимоий институтдир. Кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини амалга оширишда ўз-ўзини бошқариш органи сифатида маҳалла катта аҳамият эгаллайди. Хуллас, маҳалла аввало, оиладан кейинги шахс маънавиятини шакллантирувчи маскан бўлса, иккинчидан, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фарвонлигини бош мақсади бўлган фуқаролик жамиятини қуришда фундаментал асос вазифасини ўтайди.

Таълим-тарбия тизими маънавиятни шакллантиришнинг муҳим, таъбир жоиз бўлса энг муҳим омиллардан биридир. Қадим-қадимларданоқ таълим-тарбиянинг маънавиятдаги ўрни ҳақида турли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, бобомиз А. Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир⁴⁸” фикрини келтириш мумкин. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия тизимидаги ислохотларга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қарай бошланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун каби ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ёшларнинг таълим олиши, спорт билан шуғлланиши учун очилган кенг имкониятлар эшиги айна доно сиёсатнинг самарали маҳсулидир. Хуллас, маънавият серқирра ҳодиса бўлиб, у жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Юртимиз инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиқиб, дунё илму фани ривожига буюк ҳиссаларини қўшганлар. Қадимий аждодларимизнинг бунёдкорлиги туфайли яратилган тўрт мингдан зиёд моддий-маданий обидалар умумжаҳон меросининг ноёб

⁴⁸Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, - 62 бет.

намуналари сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бизнинг маънавий меросимиздир.

Муаллиф асарда маънавиятнинг юксалиши билан узвий боғлиқ бўлган улкан мезон - муқаддас динимиз ҳақида ҳам алоҳида тўхталган. Мустақилик шарофати туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қари динга, диндорларга бўлган муносабатда ҳам туд ўзгаришларга йўл очилди. Бундай дейишимиз учун барча асослар бор. Биринчидан, бугунги кунда уламоларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Иккинчидан, яқин ўтмишда диний кадриятларни билиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш салбий баҳоланар эди. Бундан фарқли ўларо ҳозирда диний урф-одатлар, анаъанлар, кадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Республикада ислом дини билан бир қаторда 15 та диний конфессияга мансуб ташкилотлар эркин фаолият кўрсатмоқда.

Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2011 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларига кўра республикада 2051 та исломий ташкилот, жумладан, 2039 та масжид, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти фаолит кўрсатмоқда. Шунингдек, жами 176 та ноисломий диний ташкилот, шуларан 160 та христиан черкови, 8 та яхудий сенагогаси, 6 та баҳоий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та будда ибодатхонаси фаолият олиб бормоқда. Истиқлол шарофати туфайли тарихида биринчи мартаба Тошкентда православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади. 1995 йил октябрь ойида минтақамизда биринчи бор “Бир само остида” шиори остида ўтказилган халқаро мусулмон –насроний конференция, 1996 йилнинг ноябрида эса рус православ черкови Тошкент ва Ўрта осие епархиясининг 125 йиллиги тантаналари ўтказилган юртимиз ва халқимизга хос бағрикенглик анъаналарининг ёрқин мисоли бўла олади. Ушбу конференцияда православ черкови вакиллари таъкидлаганларидек, Ўрта Осиёдаги мусулмон ва

христианларнинг ўзаро тотувликдаги аҳил қўшничилик анаъаналари юқори даражада бўлиб, бошқа ерлар учун ўртак бўлишга арзийди⁴⁹.

1993 йил Самарқанд шаҳрида арман жамоасига улар билан тарихан боҳлиқ бўлган “Муқаддас Богородица” черкови қайцтариб берилди. 1995 йил 15 мартда 2000 га яқин эътиқод қилувчилардан иборат 7 та жамоани бирлаштирган евангелчи-лютеранлар Қирхасининг 100 йиллиги билан боғлиқ тантаналар бўлиб ўтди⁵⁰.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон том маънода диний бағрикенгликнинг тарихий меросхўри сифатида жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилмоқда. Зеро, бу юртда мозийда ҳам диний бағрикенглик шу заминда яшовчи турли эътиқодга мансуб халқларни олий масад-юрт фаровонлиги сари интилишларини таъминловчи муҳим омил бўлиб келган, ҳазирда ҳам шундай давом этмоқда. Исломи динини одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни бар-қарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизими тарзида юксак баҳолайди. Шу билан бирга, бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётганига эътибор қаратади. Асарда халқимиз маънавиятини юксалтириш, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашда унинг таъсирини сақлаш мақсадида муқаддас ислом динимизни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, шу билан биргаликда яна ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифалари баён этилади.

⁴⁹Ганиев Ж. Таълим тизимида диний бағрикенгликнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритилиши // “Ўзбекистонда олий таълимнинг ислоҳ этилиши: тараққиёт тажрибаси ва истикболлари” мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2012. – 287 бет.

⁵⁰Усмонов И. Ўзбекистон – диний бағрикенглик анаъаналари меросхўри // <http://www.tiu.uz>.

2.2. Тарихий хотира, тарихий обидаларга муносабат

Маълумки, юксак маънавиятга эришишнинг дастлабки босқичи саналмиш миллий ўзликни англашда маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар муҳим омил бўлиб саналади. Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан. Бу кўхна тупроққа милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрқу тароватини саклаб келаётган осори атиқаларимиз, қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритишгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади. Бу юртнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Қарши, Шахрисабз, Тошкент ва Марғилон каби тарихий шаҳарлари асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий тараққиётига салмоқли ҳисса кўшиб келди ва келмоқда. Бу шаҳарлар буюк ипак йўли ривожига, дунё халқларининг яқинлашувида ҳам улкан хизматлар қилган. Бетакрор бу шаҳарлар Шарқ халқларининг қадимий маданият бешиги бўлган юртимизнинг кўп асрлик меъморий қурилиш анъаналарини мерос қилиб олган халқимиз меъморлари санъати ва меҳнатининг ижодий якунидир. Шу боис ҳам, жаҳон ҳамжамияти бу шаҳарларнинг дунё ривожига кўшган ҳиссасини эътироф этди ва уларнинг юбилейларини жаҳон миқёсида

нишонлашга раҳнамолик қилди. Бироқ, собиқ совет давлати «ленинча» деб ном олган миллий сиёсатида маданий ва маънавий аҳамиятга молик ёдгорлик ва ўтмиш меросига нисбатан бўлган муносабатда ҳам бир ёқлама партиявий-синфий муносабат устун бўлди. Иттифокдаги миллат ва халқлар маданиятини сиқув остида ушлаб туриш, уларни тарихий негизларидан маҳрум этиш, кейинги ўн йиллар давомида амалга ошириб келинган сиёсатнинг моҳиятини ташкил этар эди. Бу халқ-ларни жипслаштириш йўлидаги қадамлардан бири бўлганлиги сабабли моддий-маданий ёдгорликларни сақлашда ҳам мустамлакачилик манфаатларига амал қилиш маъқул йўллардан бири бўлиб келди. Мазкур йилларда миллат тарихий таракқиёти даражасини кўрсаткичи бўлган баъзи ёдгорликларнинг бир қисми ўтмиш «сарқити» сифатида бузиб ташланди, бир қисми идора ва муассасалар учун мослаштирилди. Республикадаги тарихий ёдгорликларга бўлган салбий муносабат маҳаллий аҳолида коммунистик мафкура таъсирида миллий ўзликни англаши заифлиги, тарихий ёдгорликларга хўжасизларча муносабатда бўлиш маҳаллий партия ва совет раҳбарларининг эса ўз вазифасига маъсулиятсизларча, бир томонлама ёндошуви натижасида юзага келган эди. Йўл қўйилган кўплаб хатолар ва камчиликлар натижасида, 1981-1989 йиллар давомида тарихий ва археологик аҳамиятга молик кўпгина ёдгорликлар йўқ бўлиб кетди. Масалан, маҳсус тайёрланиб, реставрация ишларида фойдаланилган ғиштлар ўғирлаб кетилган. XII аср бошларида барпо этилган Минораи Калон, Чор Бақр ансамбли, XVIII асрга мансуб Қиз биби меъморлик ансамбли атроф-муҳитнинг бузилиши оқибатида шўр босиб кетди⁵¹. Қашқадарё вилоятида X - XI асрларга оид бўлган Исҳоқ Ота мақбараси таъмирлашнинг барча қоидаларга ҳилоф равишда цемент билан суваб ташланган. Ғиштан ясалган бу бинодаги гўзал нақшлар бўлса ана шу сувоқнинг остида қолиб кетди⁵². Вилоятдаги яна бир ёдгорлик - Султон мир

⁵¹Қаранг: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари. Лойиҳа // Совет Ўзбекистони. 1990, 17 октябрь.

⁵²Ўз МДА, 2454-фонд, 6-рўйхат, 4565-иш, 96-варақ.

Ҳайдар комплекси ҳам мана шундай таъмирлаш ишлари натижасида ўзининг тарихий ва маданий қийматини йўқотди. Қашқадарёнинг эски кўприги (XIII аср), қадимий ҳаммоми (XVI аср) ҳам аянчли аҳволда бўлиб, ҳаммом биносида уч йил давомида “Реставрация бормоқда”, деган ёзув осилиб турган⁵³. Ҳатто, Тошкент шаҳрининг айрим туманларида шаҳардаги баъзи маданий ёдгорликлар бузилиб кетишига ёки бутунлай хароб ҳолга келиб қолишига олиб келди. Шаҳардаги “Айрилиш” мадрасаси ўрнига турар жой, “Қози Низомиддин” масжиди ўрнига дорихона қурилди. Яна бир ачинарли ҳол шунда бўлдики, айрим ҳолларда, бу ерларда ҳам обидалардан ишлаб чиқариш корхонаси ёки омборхона сифатида фойдаланилди. Бу бинолардаги айрим хоналар идораларнинг талабларига мослаб қурилди. Хоналар кенгайтирилиб, деворлари олиб ташланди, дераза, эшикларнинг ўрни алмаштирилди. Тарихий обидалар ўрнида ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди. Чунончи Хива шаҳрининг ўзида 21 ташкилот ва идоралар тарихий ёдгорликлардан хўжалик ишлари мақсадларида фойдаландилар. Самарқандда эски шаҳар харобалари эса канализация ишларини амалга ошириш вақтида вайрон этилди. Қаровсизлик натижасида баъзи ёдгорликлар фуқаролар томонидан бузиб ташланганлиги ҳолатлари ҳам юз берганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шундай бўлсада, 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКОнинг Канадада бўлиб ўтган 14 сессиясининг махсус қарори билан Хива шаҳри Марказий Осиёда биринчи бўлиб “Бутунжаҳон мероси” сифатида рўйхатга олинди. Хивадан сўнг юқорида номлари зикр этилган бошқа шаҳарларимиз ҳам бу рўйхатга киритилди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси (1995 й.)нинг 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларини жаҳон миқёсида нишонлаш ҳақидаги қарори ҳамда 1997 йил 13-20 июнь ЮНЕСКО Бош штаб-квартирасида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей ҳафталикларини ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан 1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

⁵³Тўхтамишев И. Ёдгорлик ҳам кўзгу // Совет Ўзбекистони. 1990, 28 август.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон вакиллари 1997 йилда Парижда ўтган икки тарихий шаҳарларимиз юбилейи ҳафталигида фаол катнашиб, шаҳарларимиз юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 мартдаги қарори асосида 2002 йилда жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган, ўрта асрларда Кеш номи билан аталган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейи ЮНЕСКО иштирокида ҳалқаро миқёсда юксак-ташкилий савияда ўтказилди.

Тарихий шаҳарлардан яна бири, турли давр манбаларида Боло, Нашеболо, Никшапа, Нахшаб, Насаф номлари билан юритилиб, XIV асрдан Қарши номи билан атала бошлаган шаҳримиздир.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари асосида, ЮНЕСКО иштирокида Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи ҳам жаҳон миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейини жаҳон миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан 2006 йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

2007 йил сентябрда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тантаналари ЮНЕСКО раҳнамолигида дунё миқёсида кенг нишонланди.

Жаҳон цивилизацияси ривожига қадимий ва тарихий шаҳарларимиздан бири – Марғилон ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу боис ҳам, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси (2005 йил октябрь)

ЮНЕСКОнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига раҳнамолик қилиши ва фаол иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрдаги “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида 2007 йил мартда “Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги роли” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

2008 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги қарорлари асосида 2008 йил сентябрда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи ҳам дунё миқёсда кенг нишонланди. Дарҳақиқат, Тошкент ўзининг олис ва бой тарихи давомида бошидан қанчадан қанча синов ва машаққатларни ўтказган, шунда доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқеини сақлаб турган ва шу боис турли даврларда турлича улуғланган. Пойтахтимизнинг “Тинчлик шаҳри”, “Дўстлик шаҳри”, “Жасорат шаҳри”, “Нон шаҳри”, “Боғ-роғлар шаҳри”, “Шарқ дарвозаси” сифатида шуҳрати бутун жаҳонга таралган. 2007 йилда бу таърифлар қаторига Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси АЙСЕСКО томонидан берилган “Тошкент-Ислом маданияти пойтахти” деган юксак номнинг қўшилгани жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимиз ва унинг пойтахтига чуқур эҳтиромининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Хуллас, ўз миллий келажagini ҳаётнинг ёрқин томонида кўришни хоҳлаган ҳар қандай миллат юксак тарихий хотирасини тикламоғи зарур. Айниқса, бу тарих китобидан нафақат бир миллат балки, бутун бир жаҳон тақдирига дахлдор саҳифалар ўрин олган бўлса, бу заруратнинг аксиологик қиймати янада ортади.

Ўрта асрларга хос бўлган ҳаммомлар ҳам ўзига хос тарихий обидалар вазифасини ўташи маълумдир. Осиё ҳаммомларини функционал хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин: умумшаҳар ёки “бозор” ҳаммомлари, маҳалла ёки “гузар” ҳаммомлари. Шаҳар ҳаммомлари кўлами кенг, яъни кўп кишига мўлжалланган бўлиб, шаҳар аҳолисига савдо-сотик ва санитария

хизмати кўрсатиш тизимини соғломлаштирувчи тадбирларга кўшимча тарзда қурилган. Иккинчи гуруҳдаги ҳаммомлар эса, аҳоли турар жойларига яқин бўлиб, бир нечта, нисбатан кичик хоналардан иборат бўлган. Ҳаммомлар жойлашган бозор ёки гузар номи билан юритилган. Бухоро амирлигида ҳаммомлар қурилиши композитсияси жиҳатидан, яъни ёпиқ шаклдаги марказий пештоқли бозор архитектурасига ўхшаш бўлиб, орасидаги деворлари сувоқ қилинган ва мазкур иншоотнинг бўйи анча паст бўлган. XIX асрда Бухоро шаҳрига келган барча хорижий сайёҳлар (Александр Бернс, Мартинс Хонигбергер) ўз эсдаликларида Бухоронинг ўзида 16 та ҳаммом бўлганлигини таъкидлаб ўтишган. Улардан Н.В.Хаников Бозори Хўжа, ҳаммоми Нав, Мисгарон, Абдуллоҳ хўжа, Шиша хона ҳаммоми, Жўйбор ҳаммоми, ҳаммоми Тўқум дўзи, Гов кушон, Доббиён, Бозори нав, Саррафон, Чашмаи Айюб, Оби Оташ, Пойи остона, Заргарон ва Кунжак ҳаммомларини кўрсатган. Олимнинг маълумотларига қараганда, Бухоро ҳаммом-лари тўртта бўлим(хона)дан иборат эди. Биринчиси, ҳаммомнинг кийимхонаси. Унга гиламлар тўшалган бўлиб, келганлар уст кийимларини қолдириб иккинчи хонага киришарди. Бу хона олдингисидан иссиқроқ бўлиб, унда барча кийимлар ечилиб, лунгига ўралган ҳолда учинчи хона – гармхона – иссиқхонага кирилган. Тўртинчи, иссиқ хонада ходимлар хоҳловчиларга барча уқалаш хизматини кўрсатишган. Ювингандан сўнг учинчига, ундан иккинчи хонада кийиниб, биринчи хонада дам олиб, иссиқ ва совутилган чой ичиб, кейин ҳаммомни тарк этилган.⁵⁴

Ўрта Осиё халқларининг тиб ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ урф-одатлари, меморчилик обидалари, даволаш муассасалари кўп қиррали ва турли тумандир. Халқ табобатининг кўпгина иншоот турлари ҳамда ҳаммомлар жуда қадимдан мавжуд бўлган. Зардуштийлар ибодатхоналари ва оташкадалар ёнида покланиш, ювиниш учун алоҳида бинолар қурилган. Ислон даврида ҳаммомларнинг янги турлари ва меморий ечимлари кенг тарқалди.

⁵⁴ Алимов Ҳ. Бухоронинг қадимий ҳаммомлари // Мозийдан садо. – Тошкент, № 1-2, 2011, -72 бет.

2.3. Маҳалла фаолияти, оиланинг маънавий мезонлардаги ўрни

Маълумки, ўзбек халқи жаҳон халқлари, жумладан, туркий халқлар орасида биринчилардан бўлиб ўtroқлашган қадимий маданий халқлардандир. Шаҳарларимиз ҳам, катта қишлоқларимиз ҳам азал-азалдан маҳаллаларга бўлинган. Чунки дарё бўйларидаги серҳосил ерлар, табиий шароит шундай ҳаёт тарзини тақазо қилган. Қадимги туркий тилда “Маҳалла” ибораси ўрнида кўй сўзи ишлатилган. Бу сўз маҳалла-кўй жуфт сўзи таркибида қўлланади. “Маҳалла” сўзи арабча “маҳал” сўзидан олинган бўлиб, “истиқомат қиладиган жой”, “ҳудуд” маъноларини билдиради⁵⁵. Маҳалла – бу шарқона “демократия дарсхонасидир”. Маҳалла деганимизда авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантира-диган, шу билан бирга, келажак авлодларнинг камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз. Айниқса, бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва роли каттадир.

Қадимдан одоб нормалари-ўтириш, туриш, юриш маданияти, салом бериш, катталарга ҳурмат, кичикни эъзозлаш, ота-онани муқаддас билиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш, шарм-ҳаё, ибo, сабр-тоқат, қаноат каби қадриятлар ёшлар онгига мунтазам равишда сингдириб келинган. Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пири бадавлат, ували-жували бўлиб яшашида кўни-қўшнилари таъсири кучли бўлган. Айниқса, ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни муҳим тарбиявий аҳамият касб этган.

Ёши улуғларимиз “Бир болага етти маҳалла маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолни бежизга таъкидламайдилар. Келажак авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш жараёнини амалга ошириш борасида кичик Ватан бўлмиш маҳалла олдида қуйидаги вазифалар туради: “Тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган

⁵⁵Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. / Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бадишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O'qituvchi”, 2014. – 88 бет.

масалаларни муҳокама қилиш ва оқилона ечимларни топишда фаоллик кўрсатиш, маънавий носоғлом оилани маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини қўллаш, маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаш, ота-оналар ёрдамида болаларга ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб каби хислатларни сингдириш ҳамда ёшлар диний мазҳаб ва секталар, ақидапарастликни моҳиятини англаб етишлари учун ота-оналар орқали улар онгига таъсир кўрсатиш, эртанги кун эгалари калбига улут аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боориш мақсадида жамоатчиликни сафарбар этиш ва бошқалар”⁵⁶.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида “Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлини ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз”⁵⁷, дея ҳаққоний таъкидлаган эдилар. Ўтмишда катта шаҳарларимиз аввало даҳаларга, даҳалар эса маҳаллаларга бўлинган. Маҳаллалардаги ҳокимиятни эликбоши бошқарган, диний ишларга маҳалла масжидининг имоми етакчилик қилган. Маҳаллаларга бўлинган катта қишлоқларни амин бошқарган, кичик қишлоқларни қишлоқ оқсоқоли идора қилган. Ҳар бир маҳалланинг ўз гузари бўлган. Гузарда чойхона, нонвойхона, баққоллик, қассоб дўкони, масжид, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик дўкони бўлган. Масжидда имом хатиб, мутавалли, сўфи ишлаган. Улар масжидга бириктирилган вақфдан келган маблағдан маош олган. Чоризм даврида вақф мулки бекор қилинган, маҳалла аҳли таъминотида бўлишган. Маҳаллада қоровул бўлган-у, фаррош бўлмаган. Озодалиқ ишлари билан барча аҳоли шуғулланган. Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинг бирлиги –

⁵⁶Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2010. – 272-бет.

⁵⁷Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Тошкент. Маънавият, 2008, 59 бет.

бу маҳалладир. Маҳаллани агар таъбир жоиз бўлса йирик бир оила дейиш мумкин. Ўтмишда ҳар бир маҳаллада асосан бир касб-кор одамлари – ҳамкасабалар истиқомат қилишган. Маҳаллалар шунга қараб номлангана: заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, парчабоб, косибчилик, пичоқчилик, эгарчи, темирчи, тақачи, ўқчи ва ҳоказо. Ҳозирги кунда замона зайли билан бир маҳаллада турли касб-кор кишилари яшайди. Лекин шу билан бирга, асосан ҳамкасбларнинг хонадонлари яшайдиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Масалан, “Профессорлар”, “Олимлар”, “Шифокорлар”, “Геологлар” каби маҳаллалар мавжуд⁵⁸.

Маҳаллаларқадимданэзгуликбешигитарбияўчоғияшаштарзимиллийудумлар, урф-одатваанъаналаршаклланганмасканбўлибкелган. Одамларни бир-бирларига меҳр-оқибатли, мурувватли, саховатли қилиб тарбиялашда, табиатан барчани бирдек қон-қариндошдек қилиб қўйишда, ўзига хос жамоани шакллантиришда маҳаллалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Зотан бугунги кунда маҳаллалар давлат бошқарувининг биринчи бўғинлари, асосий устунлари сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан яна бири бу оилани ҳар томонлама ривожлантириш, ёшлар тарбиясида оиланинг ва оналарнинг ўрнини янада юксалтириш, оналар ва болаларни жамиятнинг энг имтиёзли ижтимоий қатламига айлантириш, миллий – маънавий қадриятларни тиклаш ва юксалтириш ишларида ҳам уларнинг ўрнини ва ролини ошириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган устувор вазифалари бўлди.

Аввало Ўзбекистон Республикасида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Хусусан, Ўзбекистон Канституциясининг XIV боби “Оила” деб номланади, анашубобнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

⁵⁸ Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. – Тошкент. “Маънавият”, 2007. 12-13 б.

Никоҳтомонларинингхтиёрийрозилигиватенгҳуқуқлигигаасосланади”, дейилганбўлиб, 64-моддада“Ота-оналарўзфарзандларинивоягаётгунларигақадарбоқишватарбиялашгамажбурдирлар. Давлатважамятетимболаларниваота-оналарнингвасийлигиданмахрумбўлганболаларнибоқиш, тарбиялашваўқитишнитаминлайди, болаларгабағишланганхайрияфаолиятларинирағбатлантиради”, дейилганбўлса, 65-моддасидаэса, “Фарзандларота-онасинингнасл-насабиданвафуқароликҳолатиданқатъийназар, қонунолдидастенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деб қайд этиб қўйилган⁵⁹. МустақилликйилларидаЎзбекистонРеспубликасиКонституциясив ақонунларидаоила, оналарваболалар, хотин-қизлар ҳуқуқлари кенг ва изчил равишда ўз аксини топди. Конституциямизнинг 14 боби “Оила” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг 65-моддасида куйидаги сўзлар битилган: “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади⁶⁰”. Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясидан келиб чиқиб, амалдаги Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан тасдиқланди ва ўша йилнинг 1 сентябридан амалга киритилди. Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат бўлиб, амалдаги Оила кодекси бир қатор оилавий ҳуқуқий муносабатларни янгича ҳал этган. Чунончи, унинг миллий қадриятларга асослангани (куда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини), унда умуминсоний қадриятлар ҳам акс этгани (никоҳ шартномаси институтининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши) алоҳида аҳамиятга эгадир⁶¹.

1998 йилдан Тошкентда “Оила” илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлади. Ушбу марказда Ўзбекистонда оилани шакллантириш ва

⁵⁹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012. – 12-13-бетлар.

⁶⁰Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012. – 13-бет.

⁶¹Каримова О. Оилавий муносабатлар қонун ҳимоясида// Олима аёлларнинг фан – техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2008. –243-244 бет.

демографик ривожлантиришга оид муаммолар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Давлат томонидан ёш болали оналарнинг иш соатлари чекланди, уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, шунингдек, заруратдан келиб чиқиб, ўзларига қулай соатларда ёки уйда ишлаш имкониятлари берилди. Ҳар бир она ва бола соғлиғини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат зиммасига юклатилди. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида давлат органлари, ташкилот ва муассасалари томонидан мактабгача талим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, интернет мактаблари ҳамда болалар соғломлаштириш комплекслари каби хилма-хил тармоқлар ривожлантирилмоқда⁶².

Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилага, оналик ва болалик муаммоларига ўта муҳим, давлат аҳамиятига молик масала сифатида эътибор берди. Мамлакатимизда бу борада мустақкам ҳуқуқий база яратилди⁶³. Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1998 йил “Оила йили”, 2012 йил “Мустақкам оила йили”, 2013 йил эса “Обод турмуш йили” номини олди. Йилларнинг бундай аталиши, қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бир қатор эзгу ишларни амалга оширишга йўл очди. Жумладан тўрт йилга мўлжалланган қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши дастури асосида бу йил 8,5 мингга яқин оила янги уйларга кўчиб ўтди⁶⁴. 2012 йилга “Мустақкам оила йили” деб ном берилиши – ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш каби мақсадларимизни рўёбга чиқаришда оила институтини янада мустақкамлаш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Умуман, мустақиллик йилларида мамлакатимизда

⁶²Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилidir. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O'qituvchi”, 2014. – 77 бет.

⁶³Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилidir. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент. “O'qituvchi”, 2014. – 77 бет.

⁶⁴Очилова О. Соғлом оила – соғлом жамият асоси // Маърифат. 2012. 1-декабр.

болалар саломатлиги, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши йўлида олиб борилаётган ҳаракатлар Ўзбекистонда таълим-тарбия узвийлик тамойилига эга эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти хотин-

қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлди. Жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва моқомини юксалтириш, уларни тараққиётимизнинг энг муҳим ва масъулиятли иштирокчилари сифатидаги фаолликларини таъминлаш— Ўзбекистонда хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашувининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 24 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ҳажми ва кўлами янада кенгайди.

Хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари доимий эътиборда⁶⁵. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш борасида изчил фаолият олиб борилди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳақимиятнинг барча тармоқларида— бу қонунчилик ёки ижро ҳоқимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун хали кўп иш қилишимиз лозим⁶⁶”.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида давлат раҳбари И.А.Каримов томонидан аҳоли саломатлиги, оналар ва болалар саломатлиги, аёлларга муносабат масаласида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Мана шулардан келиб чиқиб,

⁶⁵ Усмонова Н. Баҳор ва гўзаллик тимсоли. // “Халқ сўзи” 2008, 8-март. № 48, 1-бет.

⁶⁶ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон хотин-қизларига табриги”. // “Халқ сўзи”. 2007 йил 8 март.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бежизга оила ва маҳаллага эътибор қаратилмади. Чунки, глобаллашув даврида, ҳар қандай “оммавий маданият” таъсири кучайиб бориш имкони бўлган жойда халқ маънавияти билан боғлиқ бўлган, эл-юртимиздаги маънавий иқлимни маҳалла орқалига англаш имкони бўлади. Айни пайтда Президентимиз таъбирлари билан айтганда, “Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ – одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган”⁶⁷. Шу сабабли ҳам давлатимиз сиёсати ўзбек менталитети асосида амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” номли асарида: “Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етуқ шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз.”

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бу ҳар томонлама етуқ баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишдир. Ҳозир боғчада, мактабда, ўрта махсус билим юртларида таълим тарбия олаётган ёш авлод эртага жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳамма вазифаларни елкаларига оладиган ворислардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг илк даврларидан бошлаб таълим тарбия ишларини яхшилашга қаратилган қатор янги қонунлар қабул қилди. Юртимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”и қабул қилиниши уларни тадбиқ қилиш жараёни пухта ишлаб чиқилганлиги ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эгадир.

⁶⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 55-бет.

Мамлакатимизда демократия қонунчилик асослари мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта эътибор берилиши лозимлигини тақозо этади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, албатта биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканми, келажакимиз ворислари бўлмиш ёш авлод ҳам юксак ҳуқуқий маданиятли инсонлар бўлиб тарбияланмоқлари лозим.

Ҳуқуқий маданият эса жамиятда ҳар бир инсоннинг бурч ва адолат тушунчаларини чуқур англамоғидан бошланади. Фарзандлар, хусусан ўзбек фарзандлари оила муҳитида ижтимоий тарбиянинг барча жиҳатларини ўзига сингдираётган экан, бунда бурч ва адолат тушунчалари, жамиятда яшашнинг катта бир мезони сифатида қаралади. Менталитетимизга хос бўлган баъзи анъаналаримиз, фарзандларни ёшлиқлариданоқ рўзғор юритишни ўргатиш, меҳнат қилиш, уни кадрлашни эрта даврлардан сингдирилади.

Болаларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувида оиладаги муҳит, маънавий ва моддий таъминот жуда муҳим аҳамият касб этади. Тўлиқ рисоладагидек оилаларда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик, кўни-кўшничилик анъаналарига доимо риоя этилади. Бундай ҳолатлар эса болаларнинг ўз вақтида бурч ва адолат тушунчаларини шакллантиришга тўртки бўлади. Лекин нотўлиқ оилаларда бундай муносабатларни шакллантириш қийинроқ кечади.

Кичик ёшдаги болаларнинг бурч тушунчаси кўпроқ уларнинг ота оналари улар берган саволларга қандай жавоблар берганликларига ҳам боғлиқ бўлади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақлга амал қилинадиган бўлса, ҳар қандай фарзанд ота-онасининг уй-рўзғор тутишида бир-бирларига қилаётган муомалаларидан ўрганади.

Оила бошлиғи бўлган ота ҳар доим ўз бурчини унутмай, рўзғорни моддий жиҳатдан таъминлаб, маънавий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлаб турса, болаларда ҳам ота шундай бўлиши керак, деган тушунча шаклланади. Оталик бурчини ўз оиласида сидқидилдан бажараётган ота ўз фарзандлари учун ибрат, намуна бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, ота-оналар ўз

фарзандларининг барчасини бирдай кўриб, ҳамма жиҳатдан уларга адолатли муносабатда бўлса, бу ҳам уларнинг дунёқаршида адолат мезонларининг илк тасаввурлари ўсишига туртки бўлади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир берилган тўғри жавоб фарзандларга маънавий озуқа беради. Бизнинг ўзбек оилаларимизда кўпчилик ҳолларда биттадан кўп фарзандлар бўлиб, бундай оилаларда тарбияланишнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Бундай жараёнга оила аъзолари орасида меҳнатга муносабат, айниқса уларга меҳнат тақсимланиши адолатли бўлиб, ҳар ким ўз бурчи, маъсулиятини билиши ҳам таъсир этиши шубҳасиз.

Фарзандларнинг оилавий тарбия жараёнида жамиятдаги бурч ва адолат тушунчаларини самарали шакллантиришда, асосан икки омил мезон бўлиб хизмат қилади. Булар:

- оилада ота-оналарнинг ўз бурчларини сўзсиз амалга ошириши;
- ота-оналарнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатларида адолат мезонларига риоя этиши.

Фарзандларни энг аввало оилада бурчга садоқатли, адолат мезонларига доимо риоя қиладиган қилиб тарбиялаш ғоят муҳим ва маъсулиятли вазифадир. Бунда эса фарзанд учун ота-она кўзгу вазифасини бажаради. Уларнинг ҳатти-ҳаракати болалар учун барча тарбия воситаларидан ҳам яхшироқ таъсир этади. Буни ҳеч бир ота-она унутмаслиги лозим. Республикамиз умумтаълим мактабларида, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ёш авлодда фуқаролик тушунчаларини шакллан-тириш асосли. Айниқса, бу масала оила, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигида олиб борилса, ўз самарасини беради. Масалан, таълим жараёни, тадбирлар, кўрғазмалар, семинар, конкурс ва спорт мусобақалари, ҳар-хил соҳа мутахассислари учрашувлари, бува-бувиларимиз суҳбатлари фарзандларимизда фуқаролик тушунчаларини шакллантириш омиллари бўла олади.

Эртанги келажак эгаларини ахлоқий пок, етук, жисмоний баркамол, ҳуқуқий саводхон, меҳнатсевар, бағрикенг қилиб тарбиялашда педагогик тарбия усуллари, шакллари ва воситаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Ёш

авлодда фуқаролик тушунчаларини шакллантириш бу ўзбек халқига хос бўлган хусусиятларни сингдиришдир. Чунончи, оила қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-қуйига, халқига, Ватанига хизмат қилувчи, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бошқаларга ёрдам беришга қодир инсонлар бўлиб етишиши муқаррар. Демак, ёш авлодимиз миллий табиатга хос ўзаро меҳр-оқибатли, мурувватли, андишали, ор-номусли, бағрикенг, оқ кўнгил, меҳмондўст, ҳалол, инсонпарвар, меҳрибон, мустақил, дадил, матонатли бўлиб тарбияланишлари давр тақозосидир. Шунингдек фуқаролик ёшларнинг маънавий бойлиги бўлибгина қолмасдан, уларни кўринишида, муомаласида, фаолиятида, кийинишида, юриш-туришида ҳам ўз аксини топмоғи зарур.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг ислохотлар тажрибаси жамиятни уйғун, ҳар томонлама ривожлантириш учун иқтисодиёт билан бир қаторда маънавиятга ҳам устиворлик бериш лозимлигини тасдиқлади. Бу борада маънавиятнинг мезонлари муҳим ва долзарб аҳамият касб этди. Мана шулардан келиб чиқиб тадқиқотда қуйидаги хулосага келинди:

-Ўзбек халқи ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб қолишлик сари интилиб яшагани бугун жамиятда куч-қувватбағишламоқда.

-Мустақиллик йилларида жамиятда ўзига хос маънавий муҳитни таркиб топишига муваффақ бўлинди.

- Барқарор маънавий муҳит Ўзбекистон шароитида яқунланган ўтиш даврида жамиятда мўтадилликни сақлаш омили сифатида ўз исботини топди.

- Маънавий муҳит халқнинг маънавий-руҳий дунёсига боғлиқ ходиса сифатида жамиятда ижтимоий ва ахлоқий қадриятларнинг янгидан таркиб топишига асос бўлди.

- Халқ оғзаки ижодини том маъноси билан одобнома, халқ педагогика, халқ қадриятномаси дейиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, халқ оғзаки ижодининг барча жиҳатларида халқ ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган ва топмоқда.

- Мустақил Ўзбекистонда оилавий муносабатларнинг қонун билан ҳимояланганлиги бу республика Конституциясида, Оила Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

- Ўзбекистонда жуда кўплаб авлиёлар, исломшунос олимлар яшаганлиги ва улар ислом маданиятини ривожига катта ҳисса

қўшганликлари ҳақида кўплаб мерослар ўрганилиб, уларнинг ишлари давом эттириб келинмоқда.

- Иқтисодий ислохотлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори республиканинг бозор муносабатларига ўтиш даврида, миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган менталитетни инобатга олиш ҳисобига амалга оширилди.

- Амир Темур, Шохрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро Мирзо каби маърифатпарвар ва илм-фан ҳомийси бўлган шахсларнинг ҳам бу давр илм-фани тараққиётида тутган ўрни бекиёсдир. Улар илм-фан аҳлига ҳомийлик қилиб, олимларни бир жойга жамлаган, илм аҳлининг моддий ҳамда илмий-манавий ҳаётини ривожлантириши учун катта имконият ва шароитлар яратиб келгусидаги илмийкашфиётларга замин ҳозирладилар ва у бугунги маънавий бойлик бўлиб қолмоқда.

- Ўзбекистон бағрикенг диёр бўлиб, 130 дан ортиқ миллатлар баҳамжиҳат яшаб келмоқда. Бу давлатимизнинг оқилона миллий сиёсати натижаси бўлиб келмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг жамиятни демократик асосда ривожлантириш миллий истиқлол тамойилларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Биринчидан, одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, уларда мулкдорлик туйғуларини ривожлантириш; иккинчидан, хусусий мулкчиликка эркинлик бериш, тадбиркорликка кенг йўл очиш; учинчидан, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган тамойилларини қарор топтириш жараёнлари устивор даражада аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси кишиларимизнинг иқтисодий тафаккури ва маданиятини қарор топтиришга таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва чуқурлашиб боришида миллий ғоянинг роли бениҳоя каттадир. Иқтисодий тафаккур жамият иқтисодий ривожланишининг энг муҳим тенденцияларини ўзлаштириш, энг замонавий техника ва технология асосида юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга

эришиш, иқтисодий ва маънавий омилларни уйғунлаштира олишда намоён бўлса, миллий ғоя иқтисодий тафаккурга муҳим назарий асос сифатида иқтисодий ривожланишнинг истокболларига илмий, аниқ, равшан йўналиш беради.

Миллий ғоя иқтисодий ва маънавий томонларни боғловчи, уйғунлаштирувчи муҳим бир маънавий омил сифатида иқтисоднинг маънавиятга таъсири, маънавиятнинг иқтисодга таъсири меъёрларини ўзида ифодалайди. Миллий ғоя иқтисодий фаровонлик сари интилувчи барча кучларни ягона мақсадни амалга ошириш учун курашга жалб этади. Натижада ҳар бир инсон қалби ва шуурида келажакка ишонч уйғонади. Бу омиллар моддий неъматлар ишлаб чиқаришда аҳамиятлидир. Шунингдек ишдан келиб чиқиб қуйидаги тавсиялар берилди:

- ўзимизнинг шарқона, ўзбекона одоб-ахлоқимизга қайтиб, яна кўпроқ ёшларга мустақилликни кўз қорачиғидай асрашни тушунтириш лозим;

- илм-маърифатга бўлган эътиборни кучайтириш, унга юзаки қарамаслик, ёшлар орасида деярли йўқ бўлишига олиб келган меҳр-оқибатни, андиша каби туйғуларни асраб келиш ва ёшлар орасида бу нарсани кенгайтириш керак.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Расмий ҳужжатлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Асарлар тўплами. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат

- килишга хизмат этсин. Т., “Шарқ”, 1998.
- 3.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
- 4.Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т., “Шарқ”, 1998.
- 5.Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т., Ўзбекистон, 1993.
- 6.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. 142-143-бетлар.
- 7.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т., Ўзбекистон, 1999.
8. И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. -Т., Ўзбекистон, 2003.
- 9.Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. - Т., Ўзбекистон, 2004.
- 10.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислох этишдир. -Т., Ўзбекистон, 2005.
- 11.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т., “Ўзбекистон” 2005.
- 12.Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси. 2006 йил 7 декабр.
- 13.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 14.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
16. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

- 17.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 18.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 19.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлидан. – Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 20.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 21.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 22.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. – Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 23.Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
- 24.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. – Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
- 25.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2006.
- 26.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
- 27.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарорривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 28.Каримов И.А.Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т., Ўзбекистон, 2001.
- 29.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 30.Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
- 31.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

32.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

14.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1997.

15.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1991, №1.

22.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

23 .Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1993.

24.“Обод турмуш йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.

38.Ганиев Ж. Таълим тизимида диний бағрикенгликнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритилиши // “Ўзбекистонда олий таълимнинг ислоҳ этилиши: тараққиёт тажрибаси ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2012. – 287 бет.;

39.Тоғаев Ш. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”фанини ўқитишдаги муҳим вазифа // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. Илмий конференция материаллари. 21-22 феврал. 2008 йил. – Тошкент. 2008. - 116 бет.

40.Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. / Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

маърузасини ўрганиш бўйича ўқув – услубий қўлланма. – Тошкент.
“О’қитувчи”, 2014. – 88 бет

2. Рисолалар ва монографиялар

- 1.Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
- 2.Одилқориев Х.Т. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Дарслик–Т.: Шарқ 2009.
- 3.Исломов З.М. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” –Т.: Адолат 2007.

- 4.Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. Т, “Фан”, 1968.
- 5.Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., “Ўқитувчи”.
- 6.Темур тузуклари. Т., “Ғафур Ғулом”, 1997.
- 7.Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
- 8.Аҳмедов Б.А. Амир Темурни ёд этиб. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
- 9.Маҳмудов Т. Авесто ҳақида. “Гулистон”, 1999, 4-5-сонлар.
- 10.Маънавият. Энциклопедик луғат. Қ.Назаров таҳрир остида. Т., 2009. 11.
- 11.Маънавиятнинг ойдин йўли. – Т., 1997.
- 12.Маънавият юлдузлари. – Т., 1999.
- 13.Маънавият ва комиллик. – Т., 1997.
- 14.Имомназаров М. Миллий Маънавиятимиз асослари. – Т., 2001.
- 15.Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т., 2007.
- 16.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000.
- 17.Маънавий салоҳият. – Т., Университет, 2009.
- 18.Маънавий юксалиш йўлида. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент, «Маънавият» 2008.
- 19.ОтамуратовС. Миллий тикланиш. – Т., 2000.
- 20.ОчилдиеваА. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т., 2005.
- 21.Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. –Тошкент. Маънавият, 2009. -19 бет.
- 22.Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2008. – 80 бет.
- 23.Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – гллобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: 2009.
24. Каримова О. Оилавий муносабатлар қонун ҳимоясида// Олима аёлларнинг фан – техника тараққиётида тутган ўрни. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2008. – 243-244 бет.
25. Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият – гллобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: 2009.

- 26.Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.459.
- 27.Дудник С. И. Парадигмы исторического мышления XX века: очерки по современной философии культуры. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2001.Б.132.
- 27.Беляев М.И. Концепция русского национальноо государства.- Москва, 2006.
- 28.Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент. Шарқ, 2004. – 5-8-бб.
- 29.Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент 1993. 12-13 бб.
- 30.Тарбия: ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2010. – 272-бет.
- 31.Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. –Тошкент. “Маънавият”, 2007. 12-13 б.

Диссертатсия ва диссертатсия автореферати:

- 1.Нурматова М.А. Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий кадриятлар уйғунлиги муаммоси. Ф.ф.д. дис.Автореферат. ЎзМУ.

1. “Юксак маънавият – енгилмас куч” миллат маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи комусий асардир” // “Халқ сўзи” 2010, 14 октабр. №199, 1-бет.
2. Луқмон В. Оила - маънавият кўрғони // “Халқ сўзи” 2011, 24 ноябр. № 228, 1-бет.
3. Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт // “Халқ сўзи” 2012, 12 май. № 93, 1-бет.
4. Усмонова Н. Изланиш ва масъулият самараси // “Маърифат” 2014, 3 май. № 36, 3-бет.
5. Рўзметов Э. Маҳалла – демократик кадриятлар маскани // “Халқ сўзи” 2012, 10-март, № 49, 1-бет.
6. Эсанова З. Соғлом маънавий муҳит // “Халқ сўзи” 2012, 11 феврал. № 30, 2-бет.
7. Ишматбеков Ҳ. Жаҳолатга қарши – маърифат // “Туркистон” 2014, 3 май. № 34, 6-бет.
8. Шодиев О. Баркамол авлод келажагимизнинг мустаҳкам асосидир // “Халқ сўзи” 2012, 21 сентябр. № 187, 4 бет.
9. Худойшукуров З. Маҳалла – оилавий бизнес маркази // “Халқ сўзи” 2012, 20 сентябр. № 186, 4-бет.
10. Файзиева В. Бетакрор мросимизга эҳтиром // “Халқ сўзи” 2012, 18 сентябр. № 184, 4-бет.
11. Хидиров О. Маҳалла – меҳр-оқибат ва аҳиллик маскани // “Халқ сўзи” 2012, 12 сентябр. № 179, 2-бет.
12. Имомов С. “Меҳр ва оқибат ошғени // “Халқ сўзи” 2012, 31 август. № 171, 3-бет.
13. Машарипов Б. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий кафолати // “Халқ сўзи” 2012, 12 октабр. № 201. 1-бет.
14. Нишонов Э. Наврўз оҳанграбоси // “Туркистон” 2014, 12 март. № 20, 5-бет.

- 15.Собиров Ш. Баркамол авлодни тарбиялаш келажак эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг пировард мақсадидир // “Халқ сўзи” 2010, 6 ноябр. № 215, 2-бет.
- 16.Нишонова Н. Хотин-қизларнинг бошқарув қобиляти // ЎзМУ Хабарлари. №4, 2011. –Б. 235-
- 17.Тўхтабаев А. Ёшлар тафаккурини шакллантиришда маҳалланинг ўрни // ЎзМУ Хабарлари. №1, 2013. –Б. 232-233 бетлар.
- 18.Тўраев А. Инсон қадри улуғ, хотираси боқийдир. // “Халқ сўзи”. 2008, 10-май. № 93, 1-бет.
- 19.Аҳмедова Ҳ. Эртанги кун бизники, шижоатли ёшларимизники // “Халқ сўзи”. 2008, 20-май. № 99, 1-бет.
- 20.Собиров Ш. Баркамол авлодни тарбиялаш келажак эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг пировард мақсадидир. // “Халқ сўзи” 2010, 6 ноябр. № 215, 2-бет.
- 21.Хидирова Б. Манбалар тилга кирганда // “Халқ сўзи”. 2008, 11-апрел. № 72, 1-бет
- 22.Алимов Ҳ. Бухоронинг қадимий ҳаммомлари // Мозийдан садо. – Тошкент, № 1-2, 2011, -72 бет
- 23.Тўхтамишев И. Ёдгорлик ҳам кўзгу // Совет Ўзбекистони. 1990, 28 август.
- 24.Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари. Лойиҳа // Совет Ўзбекистони. 1990, 17 октябрь.
- 25.Очилова О. Соғлом оила – соғлом жамият асоси // Маърифат. 2012. 1-декабр.
- 26.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон хотин –қизларига табриги”. // “Халқ сўзи”. 2007 йил 8 март.
- 1.Усмонов И. Ўзбекистон – диний бағрикенглик анъаналари меросхўри // <http://www.tiu.uz>.

